Беш йилликни муддатидан илгари бажарамиз

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 60 (3798). | Чоршанба, 27 март 1968 йил | Баҳоси 2 тийин.

Деҳқон тараддуди

Вақтнинг қадрига етаётган звено бошлиғи, механизатор Мирзабек Шерматов шу кунларда астойдил меҳнат қилмоқда. Унинг звеноси ўзига ажратилган майдонлардаги ерларга кўплаб маҳаллий ўғит ташиб чиқармоқда, ер текисламоқда.

Ўтган йили М. Шерматов бошлиқ звено аъзолари 45 гектар ердан 35 центнерданга етказиб хирмон кўтарган эди. Бу йил звено аъзолари ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни камида уч центнерданга кўпайтириш учун кураш бошладилар. Ўсган Ҳусанов, Турсунбой Очилов, Асад Эшмуродовлар ҳам ер текислаш, бегона ўт илдизларини териб ташлаш, ҳашаротга қарши курашиш каби ишларда гайрат кўрсатишяпти.

— Биз, — дейди звено бошлиғи,— экишни тўрт-беш кун ичида муваффақиятли тамомлаймиз. Барча куч ва имкониятларимизни ишга солиб уруғни тупроқнинг ўз намида ундириб олишга астойдил аҳд қилдик.

Т. МИРҚУРБОНОВ.

«Оққўрғон» совхози.

* * *

Бўка районидаги 2-«Пискент» совхозида кадрларни ўқитиш, билим малакаларини оширишга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, оддий ишчилардан механизатор кадрлар тайёрлаш юзасидан анчагина ишлар қилинди.

Ҳозир 40 дан ортиқ ёш колхозчи механизаторлар тайёрлайдиган курсда ўқияпти. Машғулотлар ишлаб чиқаришга бевосита боғланган ҳолда олиб борилмоқда. Тажрибали механизаторлар тез-тез келиб туришади. Улар техникани бошқариш ва унинг умрини узайтиришда нималарга эътибор бериш юзасидан ёшларга гапириб бермоқдалар.

Э. РАҲМОНҚУЛОВ,
А. ҒОЗИҚУЛОВ.

* * *

Бекобод районидаги Ленин номли колхоз деҳқонлари кўкламги экиш кампаниясига пухта ҳозирлик кўришяпти.

Қўшбой Жумабоев бошлиқ звено аъзолари ўтган йили ҳар гектар ердан 25 ўрнига 30 центнердан «оқ олтин» топширган эдилар. Улар гектаридан 35 центнердан пахта етиштиришга сўз бердилар. Аҳдига вафодор деҳқонлар шу кунларда дала ишларини яна ҳам кучайтириб юбордилар. Экин майдонлари текисланиб, бороналаб қўйилди, гектар бошига ўн тоннадан ўғит солинди.

Колхознинг бошқа звеноларида ҳам чигит экишга тайёргарлик кўриш қизғин тус олди.

К. ҲАТАМОВ,
Ф. АБДИЕВ.

Бу йил Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозида биринчи марта каноп экилади. Бу қимматли техника экини учун 350 гектар ер ажратилди.

Деҳқонлар олинадиган ҳосилни кўпайтириш мақсадида эрта кўкламдан бери ерга ишлов беришяпти. Ўғит солиниб, текисланяпти. Каноп уруғи экиладиган агрегат барвақт ремонт қилиб қўйилди.

Лубкорлар апрель ойининг биринчи ярмидаёқ экишга киришмоқчилар. Участка бошлиғи Ким Тхя Ченнинг айтишича, лубкорлар дастлабки йилнинг ўзидаёқ ҳар гектар ердан 200 центнердан луб поясини етказишга аҳд қилган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.

Б. АЗИЗОВ.

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧИНЧИ ЙИЛИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тошкент область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг тарихий пленумлари қарорларини ҳаётга татбиқ қила бориб, юбилей йилида пахта, каноп, ғалла, сабзавот, мева, узум, пилла, гўшт, сут тайёрлаш планларини муваффақиятли бажардилар.

Ўтган йили область пахтакорлари каттагина ютуқни қўлга киритдилар. Давлатга 363 минг тонна, пландагидан 52,9 минг тонна кўп пахта етказиб берилди. Область бўйича ҳар гектаридан олинган ўртача ҳосил 26,4 центнерга етди.

Юбилей йилида областнинг барча районлари машина терими планини муваффақиятли бажардилар. Областда етиштирилган пахта ҳосилининг 61,8 процента машинада терилди. Оққўрғон райони 77 ва Бўка райони 70 процентга яқин пахтани машинада териб олиб, терим машиналаридан фойдаланишда энг яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Ўтган йили ҳам Юқори Чирчиқ райони пахтакорлари илгариги йиллардагидек юқори ҳосил олдилар. Бу районда ҳар гектардан 33,9 центнердан пахта териб олинди. Оққўрғон районидаги Ленин номли, «Заря коммунизма», «Ленинград», Бўка районидаги «Гулистон», «Октябрь 40 йиллиги», Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» ва «Политотдел», Янгийўл районидаги Хамроқул Турсунқулов номли колхозларда пахта ҳосилдорлиги 30—40 центнерга етди. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхоз-тажриба хўжалиги гектаридан 31 центнердан пахта териб олди.

Мўл ҳосил етиштириш ва уни механизмлар ёрдамида йиғиб-териб олишда комплекс механизациялашган звенолар катта роль ўйнадилар.

Областда машина билан 100 тонна ва ундан ҳам ошириб пахта тераётган уста механик-ҳайдовчилар сафи йил сайин ўсиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа соҳаларида ҳам муваффақиятларга эришилди.

Калинин ва Оржоникидзе районларининг хўжаликлари сабзавот ва картошка етиштиришни 1966 йилдагига қараганда анча кўпайтирдилар ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар.

Лекин шу билан бирга ишимизда кўпгина камчиликлар, фойдаланилмай ётган резервлар ҳам бор.

Ўтган йили иккита район, 29 колхоз ва 7 совхоз 25 центнердан кам ҳосил етиштирди. Шоли, маккажўхори, сабзавот, қовун-тарвуз, картошка ва бедадан жуда паст ҳосил олиб келаётган хўжаликлар ҳам анчагина.

Ана шу хўжаликларда ҳосилдорликни лоақал область бўйича олинаётган ўртача ҳосилдорлик даражасига кўтариш пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни бирмунча кўпайтириш имкониятини беради.

Айрим колхозлар ва совхозларда минерал ўғит, заҳарли химикатлар, дефолиантлар, қишлоқ хўжалик техникасидан самарали фойдаланилмаяпти. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, алмашлаб экишни жорий этиш, деҳқончилик маданиятини ошириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳам етарли эмас.

Чорвачилик ҳали ҳам энг қолоқ тармоқ бўлиб келмоқда. Область хўжаликлари ҳали ҳам сут, гўшт ва тухум етиштиришда кўнгилдаги натижаларга эришмаётирлар. Чорва маҳсулдорлиги сust ўсмоқда. Барча хўжаликларда ҳам ем-хашак базаси мустаҳкамланган, деб бўлмайди. Фермаларда механизация сust юрий қилиняётир.

Тошкент области қишлоқ меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг совет халқига, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг барча меҳнаткашларига қарата Мурожаатига жавобан, Хоразм области қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг ватанпарварлик ташаббусини ҳамда Ўрта Чирчиқ районидаги колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва Калинин районидаги Ильич номли колхоз аъзоларининг ташаббусига қўшилиб, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган социалистик мусобақани авж олдириб, ўтган йили ҳар бир хўжалик бўйича қилинган ишлар ва эришилган натижаларни чуқур таҳлил этиб, 1968 йилда зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

Пахта ҳосилдорлиги 27 центнерга етказилади ва давлатга 356 минг тонна «оқ олтин» сотилади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий самара берадиган илғор агротехника тадбирлари кенг қўлланилади, 120 минг гектар майдондаги ғўза узунасига ва кўндаланигига ишланади ва ҳар гектар ерда кам деганда 95—100 минг туп кўчат бўлиши таъмин этилади. Шунингдек, 26 минг гектар ердаги ғўза механизация воситасида чеканка қилинади. Қайта дорилаш ҳисобга олиниб, 200 минг гектар майдондаги ғўза дефолиация қилинади ва кам деганда 211 минг тонна пахта машинада терилади.

Кам деганда 4,4 минг гектар янги ер, шу жумладан колхозлар маблағи ҳисобига 500 гектар янги ерда ирригация тайёргарлиги ишлари олиб борилади.

Беда майдони 45,7 минг гектарга етказилади, эски бедазорларнинг ҳар гектаридан кам деганда 70 центнердан ҳосил олинади. 410 тонна беда уруғи етиштирилади.

Ғалла етиштириш 155 минг тоннага етказилади ва давлатга 40 минг тонна, шу жумладан 15 минг тонна шоли сотилади. Гектаридан кам деганда 32 центнердан шоли ва 31 центнердан маккажўхори дони олишга эришилади.

Колхозлар ва давлат хўжаликларида 22 минг тонна гўшт, 72 минг тонна сут, 60 миллион дона тухум етиштирилади ва давлатга барча категориядаги хўжаликлар бўйича 19,5 минг тонна гўшт, 59 минг тонна сут, 52 миллион дона тухум ва 1.175 тонна жун сотилади.

Йил охиригача колхоз ва совхозларда йирик шохли қорамоллар сони 116 минг бошга, шу жумладан: сигирлар — 41 минг, чўчқа — 59 минг, қўй ва эчкилар — 407 минг, катта ёшдаги парранда 686 минг бошга етказилади.

Ҳар бир сигирдан 1825 килограмм сут соғиб олинади. Тухум қиладиган ҳар бир товуқдан 130 донадан тухум олинади. Гўштга топшириладиган йирик шохли қорамол оғирлиги 280 килограмм, қўй — 43 килограмм, чўчқа — 95 килограммга етказилади.

Чорва моллари подасини яхшилаш тадбирлари кўрилади. Ҳар юз бош сигирдан 85 тадан бузоқ, ҳар юз совлиқдан кам деганда юзтадан қўзи ва асосий она чўчқалардан 20 тадан чўчқа боласи олишга эришиш учун курашилади.

Чорвачиликнинг ем-хашак базаси бирмунча яхшиланади, 270 минг тонна дағал ем-хашак, шу жумладан 200 минг тонна беда хашаги, 370 минг тонна силос тайёрланади.

Колхозлар ва давлат хўжаликларида сабзавот етиштириш 250 минг тоннага, картошка 75 минг, қовун-тарвуз 80 минг, мева ва узум 87 минг тоннага кўпайтирилади.

Ҳар гектар ердан 175 центнердан сабзавот, 180 центнердан қовун-тарвуз, 110 центнердан картошка, 75 центнердан узум ва 51 центнердан мева олинади.

Барча категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга 200 минг тонна сабзавот, 33 минг тонна картошка, 66 минг тонна қовун-тарвуз, 63 минг тонна мева ва узум сотилади.

Шунингдек, давлатга 1330 тонна пилла, 297 минг тонна каноп поясини, 1200 тонна каноп уруғи етиштирилиб, шундан 400 тоннаси давлатга сотилади. Боғ ва токзор майдонлари кенгайтирилади.

(Охири иккинчи бетда).

УСТОЗ ЁЗУВЧИ

Революциянинг бўрон қуши, меҳнат аҳлининг мағрур лочини, ёзувчига хос чексиз истеъдод билан одамийликни ўзида мужассамлаштирган Максим Горький номи ўлмасдир. Бу ном ҳозирги кунда олимнинг уйида ҳам, чўпоннинг ўтовида ҳам фахр билан тилга олинмоқда. Рус ва ўзбек ҳам, украин ва тожик ҳам, белорус ва ёқут ҳам уни бизнинг Горькийимиз деб атайди. Барча совет кишилари уни бизнинг Горькийимиз деб атайдилар.

25 мартда Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Катта академик театрида бўлган тантанали кеча А. М. Горький туғилган кунинг юз йиллигига бағишланди. Республика жамоатчилигининг вакиллари — ишчилар ва колхозчилар, рассомлар ва ёзувчилар, инженерлар ва бинокорлар, хулласи улуғ пролетар ёзувчиси, социалистик реализм асосчисининг ижодини астойдил севган кишилар бу ерга тўпланишди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси президиумининг раиси Комил Яшин қисқача кириш сўзи билан кечани очди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов минбарга чиқади. С. О. Азимов улуғ ёзувчи ва унинг ижодий йўли ҳақида гапиради ва Горькийнинг қардош халқлар адабиётига меҳр-муҳаббат билан қараганлигини таъкидлайди. Горькийнинг ижоди ўзбек совет адиблари учун социалистик реализм методини эгаллашнинг асосий манбаларидан бири бўлиб хизмат қилди. Шу сабабли ўзбек ёзувчиларининг ҳар бири — Ҳамза, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Шараф Рашидов, Яшин, Уйғун, Зулфия, Миртемир ва бошқа кўп адиблар М. Горькийни зўр ҳурмат билан ўз устозимиз деб тилга оладилар.

А. М. Горький туғилган кунинг 100 йиллигига бағишланган тантанали кечада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов ҳозир бўлдилар. (ЎзТАГ).

ЧИГИТ ЭКИШГА ШАЙМИСИЗ?

ДАЛАДАГИ МАСЛАҲАТ

Кўклам дарвоза қоқмоқда. «Ҳа бўл, ҳаракатингни тезлаштир», деб деҳқонларни қитиқламоқда. У деҳқонларни бепоён водийларга, дала-қирларга чорламоқда.

Эл қатори янги марраларни эгаллашга бел боғлаган янги йўллик пахтакорлар ҳам кўкламги дала ишларини муваффақиятли ўтказишга интилмоқдалар. Бу албатта бежиз эмас. Чунки, улар бу йил район бўйича ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилганлар. Бу — 1968 йилда 70 минг тонналик улкан хирмон кўтариш, демакдир. Яна район меҳнаткашлари мўл-кўл дон, сабзавот, чорва, мева ва бошқа маҳсулотлар етиштириш мажбуриятини ҳам олганлар. Бу вазифаларнинг ошириб бажарилиши, айниқса ўтган йили пахтачилик соҳасида эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги поғонага кўтарилиш энг олдин кўклам экин кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказишга боғлиқдир. Шу мақсадда улар бамаслаҳат кенгашиб олишни мўлжаллаб, Киров номли колхоз даласига йиғилдилар.

Район пахтакорлари энг олдин Киров номли колхознинг ер текислаш, чигитни квадрат-уялаб ҳамда оддий усулда экадиган агрегат ва янги мосламалар, чигитни экишга тайёрлаш усуллари билан танишиб чиқдилар.

Маълумки, ерни экишга тайёрлашда кўпгина қўл меҳнати сарф қилинади. Ер текислашда ҳозиргача осма ва тиркалиб ишлатиладиган грейдерлардан фойдаланилаётган бўлинса ҳам улар яхши натижа бермаяпти. Шунинг учун Киров номли колхоз инженери Е. Раҳматиллаев колхоз устахонасида ер текислайдиган махсус мослама тайёрлади. Бу агрегат билан бир кунда 30—35 гектар ерни сифатли қилиб текислаш мумкин. Иккинчи сўз билан айтганда бу агрегат 40—50 кишининг ишини бажара олади. Буни тайёрлаш учун эса эски машиналарнинг қисмларидан фойдаланилган. Шунинг учун колхоз раҳбарлари оддий усулда тайёрланган, қўл меҳнатини тежайдиган бу агрегатни қизиқиб кўздан кечирдилар.

ЯҚИНДА Янгийўл районидаги Киров номли колхознинг С. Усмонов бошлиқ звеноси даласида ерларни, техникани экишга қандай тайёрлаш юзасидан маслаҳат йиғилиши бўлди. Унга барча хўжаликлардан вакиллар келишди. Суратда: йиғилиш қатнашчилари ернинг қандай юмшатилаётганлигини кўриб турибдилар.

А. Мальцев фотоси.

Колхоз квадрат-уялиб туксиз чигит экиш учун 500 гектар ер ажратган, бунинг учун зарур агрегатлар тайёрлаб қўйилган. Сеялкалар кўздан кечирилаётганда ҳар хил саволлар туғилди, уларга аниқ жавоблар берилди:

— Чигит экиш билан бир вақтда фосфор бериш керакми?

— Олдин фосфор солинган бўлса, экиш вақтида солиш шарт эмас.

— Бир уяда нечта чигит бўлгани яхши?

— Тукли чигитдан 6—7, туксиз чигитдан 3—5 дона бўлса кифоя.

— Туксиз чигит экадиган сеялкалар баъзан бир миқдорда уруғ ташламайди, нега шундай?

— Чигитнинг катта-кичиклиги ҳар хил, — деб жавоб берди САИМИнинг илмий ходими В. А. Сергеенко, — бунинг учун аппаратни тез-тез ювиб турилса иш яхши юришади.

Сеялкалар тўғри ва бир хил созланиши тўғрисида ҳам суҳбат бўлди. Бунинг учун кўрсатишга қўйилган сеялканинг қисмлари кўздан кечирилди.

— Агар шу сеялка билан чигит экилса уруғ ерга бир хил чуқурликда ва бир хил миқдорда тушмайди, — деди Сергеенко сеялкани текшириб чиққач, — сеялканинг қисмлари бир хил чуқурликда чигит ташланадиган қилиб қўйилмаган. Шунинг учун сеялкаларни экишга тайёрлаганда шунга алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки ҳар хил чуқурликда экилган чигит бир текис ва бир вақтда униб чиқмайди. Чигитни бир текис униб чиқиши экиш агрегатларининг тўғри созланишига ҳам боғлиқ. Квадрат-уялаб чигит экиладиган ерлар яхши текисланиши, ғўзапоя илдизлари териб ташланган бўлиши зарур, бўлмаса квадратлар тўғри ҳосил бўлмайди.

Маълумки, илгари ҳамма колхозларда чигит ивитадиган ўралар бўларди. Эндиликда бундай ўраларга зарурат қолмади, чунки чигитни ўрада сув қуйиб ивитиш зарарли. Ҳашаротга ва ҳар хил касалликларга қарши заводда чигитга сепилган дори кучсизланади. Чигит ивитилган тақдирда дори ювилиб кетади. Чигитни экишга тайёрлашни асфальт устида химизаторлар тайёрлаб, тарқатиши лозим. Бу ҳақда САИМИнинг илмий ходими Л. И. Могай батафсил гапириб берди.

Колхоз раҳбарлари ҳам бу йилги юксак маррани сўзсиз эгаллаш учун нималарга эътибор қилиш ҳақида ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини айтдилар.

«Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг раиси И. Аҳмедов колхозда ҳар йили план кечикиб бажарилаётгани сабабли бу йил қисман ерларга 47—27 навли чигит экиш планлаштирилганини айтди. «Қизил Октябрь» колхозининг раиси Ж. Очилов чизели камроқ, фақат зарур жойдагина юргизайлик, деб таклиф қилди.

Биринчи парвариш кечикса, ғўзани эртаги қилиб бўлмайди, сўнгра кузда фосфор солинмаган ерларга бу ўғитни боронадан олдин солиш маъкул, деди Свердлов номли колхоз раиси Ю. Файзиев. «Коммунизм» колхозининг раиси М. Исматов кечиншар навли пахтани эрта озиқлантириш айниқса зарурлигини уқтириб ўтди.

Ғўзани чигит экиш билан бир вақтда озиқлантиришнинг қандай фойдали эканлиги тўғрисида «Партия XXI съезди» колхозининг раиси А. Ғаппоров қуйидагиларни айтди:— Бизнинг колхоз энг қолоқ, энг камҳосилли хўжалик эди. Бултур ҳосилдорлик гектар бошига 30 центнерданга тўғри келди. Чунки биз чигит экиш билан бир вақтда ўғит нормасининг 60 процентини солиб кетдик. Бу йил чигит экиш вақтида 70 процент ўғитни солмоқчимиз.

Район ишлаб чиқариш бошқармасининг бевосита далада ўтказган бу маслаҳат кенгаши қизиқарли ва фойдали бўлди. Ҳар ким ўз фикр-мулоҳазасини, таклифини ўртага ташлади, улар бир-бирлари билан маслаҳатлашиб бир фикрга келишди.

Лекин, райондаги хўжаликлар ҳали чигит экишга тўлатўкис тайёр, деб бўлмайди. Ҳали кўп хўжаликларда чигит экиш агрегатларига аккумуляторлар етишмайди. Уруғлик чигитлар ҳам ғўла ташиб олинмаган. «47—27», «153-ф» навли чигит уруғлари етишмайди. Айниқса, «153-ф» навли пахта уруғи ҳали Фарғонадан юборилмаган. «47-27» навли пахтанинг уруғлик чигити эса сифатли эмас, пучи кўп.

Ирригация тармоқларини тозалаш, ремонт қилиш, тузатиш каби ишлар ҳали тугалланмаган, баъзи ишларнинг лоақал лойиҳаси ҳам йўқ. Умуман, дала ишлари бултургига қараганда анча орқада.

Район пахтакорлари катта мақсадни дилга жо қилиб, яхши тажрибаларни ўртага ташлаб, маслаҳатлашмоқдалар. Улар ишдаги камчиликларни тезроқ бартараф этиб, чигит экишни қисқа муддатда уюшқоқлик билан сифатли ўтказиш режаларини тузиб олдилар.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг муҳбири.

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ!

(Боши биринчи бетда)

Олинган социалистик мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун бундан буён ҳам қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида меҳнатни ташкил этишнинг звено усули такомиллаштириб борилади. Меҳнатга паридсиз ва аккорд система бўйича ҳақ тўлаш яна ҳам кенг жорий этилади. Агрозоотехника советлари, иқтисодий анализ бюролари ишининг самарадорлиги районларда ҳам, ҳар бир хўжаликда ҳам оширилиб борилади.

Колхоз фермалари ва совхозларининг бўлимларида комплекс чорвачилик бригадалари ишини ташкил этиш ва такомиллаштиришга бундан буён ҳам эътибор кучайтирилади.

Колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари ҳар бир район бўйича қуйидагича ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришиш мажбуриятини оладилар:

ОҚҚУРҒОН РАЙОНИ БЎЙИЧА

Ҳар гектар ердан ўртача 28 центнердан пахта олинади ва давлатга кам деганда 80 минг тонна пахта сотилади. Чигитни квадрат-уялаб экиш кенг қўлланилади ва 25 минг гектар майдондаги ғўзага узунасига ва кўндалангига ишлов берилади. 4 минг гектар майдондаги ғўза механизация воситасида чеканка қилинади, 43 минг гектар ердаги ғўза энг яхши агротехника муддатларида дефолиация қилинади ва машиналар билан кам деганда 54 минг тонна пахта терилади.

Бу йил 165 гектар янги ер, шу жумладан колхозларнинг маблағи ҳисобига 80 гектар ер ирригация жиҳатидан тайёрланади.

Беда майдони 6800 гектарга, шу жумладан бу йилги бедазорлар 1700 гектарга етказилади ва эски бедазорларнинг ҳар гектаридан 65 центнердан ҳосил олинади. 78 тонна беда уруғлиги етиштирилади.

Район бўйича ғалла етиштириш 15 минг 100 тоннага кўтарилади ва давлатга 3800 тонна ғалла, шу жумладан 3 минг 200 тонна шоли сотилади. Кам деганда ҳар гектардан 32,2 центнердан шоли ва 31 центнердан маккажўхори дони олинади.

Колхозлар ва давлат хўжаликлари бўйича 1530 тонна гўшт, 8400 тонна сут, 510 минг дона тухум етиштирилади ва давлатга барча категориядаги хўжаликлар бўйича 1450 тонна гўшт, 6800 тонна сут ва 2 миллион 130 минг дона тухум ва 445 центнер жун сотилади.

Йил охиригача йирик шохли қорамоллар сони 16100 бошга, шу жумладан сигирлар 5700, чўчқалар 7210, қўй ва эчкилар 2600, катта ёшдаги паррандалар 17500 бошга етказилади.

Ҳар бир сигирдан ўртача 1500 килограммдан сут соғиб олинади. Тухум қиладиган ҳар бир товуқдан ўртача 70 тадан тухум олинади. Гўштга топшириладиган йирик шохли қорамоллар оғирлиги 260 килограммдан, қўйлар 40 килограммдан, чўчқалар 100 килограммдан бўлишига эришилади.

Урчитиш ишларини яхшилаш тадбирлари кўрилади. Ҳар юз бош сигирдан кам деганда 81 тадан бузоқ, ҳар юз бош совлиқдан кам деганда 92 тадан қўзи ва ҳар она чўчқадан 21 тадан чўчқа боласи олинади.

Чорвачиликнинг ем-хашак базаси анча яхшиланади. 28400 тонна дағал ем-хашак, шу жумладан 23 минг 800 тонна беда хашаги тайёрланади, 51 минг тонна силос бостирилади.

Колхозлар ва давлат хўжаликларида сабзавот етиштириш 2800 тоннага, картошка 1700 тоннага, қовун-тарвуз 8600 тоннага, мева ва узум 8900 тоннагача кўпайтирилади. Ҳар гектаридан 160 центнердан сабзавот, 100 центнердан картошка, 188 центнердан қовун-тарвуз, 110 центнердан узум ва 40 центнердан мева олинади.

Давлатга барча категориядаги хўжаликлар бўйича: сабзавот 2 минг тонна, 400 тонна картошка, 7790 тонна қовун-тарвуз, 7900 тонна узум ва мева сотилади.

Давлатга 138 тонна пилла, 164,7 минг тонна каноп пояси сотилади. Шунингдек, 800 тонна уруғлик каноп етиштирилиб, 380 тонناси давлатга сотилади.

Боғ ва токзорлар кенгайтирилади.

БЕКОБОД РАЙОНИ БЎЙИЧА

Давлатга 45500 тонна пахта сотилади. Ҳар гектаридан ўртача 24,3 центнердан пахта олинади. 17 минг гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилиб, ғўзага узунасига ва кўндалангига ишлов берилади ва 3 минг гектар ердаги ғўза механизация воситасида чеканка қилинади. 28 минг гектар ердаги ғўза дефолиация қилиниб, машиналар билан кам деганда 25 минг тонна пахта терилади.

Бу йил кам деганда 805 гектар ер, шу жумладан колхозлар маблағи ҳисобига 15 гектар ер ирригация жиҳатидан тайёрланади.

Беда экини майдони 3,5 минг гектарга етказилади, шу жумладан бу йил 1200 гектар ерга янгидан беда экилади. Эски бедазорларнинг ҳар гектаридан 70 центнердан ҳосил олинади. 56 тонна беда уруғи етиштирилади.

14600 тонна ғалла, шу жумладан 7840 тонна шоли, 2030 тонна маккажўхори етказилади. Давлатга 4900 тонна ғалла, шу жумладан 4 минг тонна шоли сотилади. Ҳар гектаридан 30,6 центнердан шоли ва 30,4 центнердан маккажўхори дони олинади.

Колхозлар ва давлат хўжаликларида гўшт етиштириш 880 тоннага, сут 3550 тоннага, тухум 910 минг донага етказилади ва барча категориядаги хўжаликлар бўйича 880 тонна гўшт, 3000 тонна сут, 1 миллион 70 минг дона тухум, 306 центнер жун, 107,2 тонна пилла сотилади.

Колхоз ва совхозларда йил охиригача йирик шохли қорамоллар сони 6950 бошга, шу жумладан сигирлар 2450, чўчқалар 4980 бошга, қўй ва эчкилар 10900 бошга ва катта ёшдаги парранда 16800 бошга етказилади.

Чорва моллари ва паррандаларнинг маҳсулдорлиги оширилади. Ҳар бир сигирдан ўртача 1500 килограммдан сут соғиб олинади, ҳар бир товуқдан 70 тадан тухум етиштирилади, гўштга топшириладиган йирик шохли қорамолларнинг вазни ўртача 260 килограммга, чўчқалар 100 килограммга, қўй ва эчкилар ўртача 36 килограммга етказилади. Ҳар юз бош сигирдан кам деганда 81 тадан бузоқ, ҳар юз бош совлиқдан 90 тадан қўзи, ҳар бир она чўчқадан 21 тадан чўчқа боласи олинади.

Чорвачиликнинг ем-хашак базаси яхшиланади, 13300 тонна дағал ем-хашак тайёрланади, шу жумладан 9300 тонна беда хашаги, 21 минг тонна силос бостирилади.

Колхозлар ва давлат хўжаликларида сабзавот етиштириш 5400 тонна, картошка етиштириш 2900 тонна, қовун-тарвуз 7800 тонна, мева ва узум 1700 тоннага етказилади.

Ҳар гектаридан 150 центнердан сабзавот, 185 центнердан қовун-тарвуз, 95 центнердан картошка, 70 центнердан узум ва 40 центнердан мева олинади.

Барча категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга 3840 тонна сабзавот, 7250 тонна қовун-тарвуз, 1100 тонна картошка, 600 тонна мева ва узум сотилади.

БЎКА РАЙОНИ БЎЙИЧА

Ҳар гектар ердан ўртача 23,1 центнер пахта етиштирилади ва давлатга камида 77 минг тонна пахта сотилади. 32 минг гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилади ва ғўзага икки томонлама ишлов берилади, 13,9 минг гектар майдондаги ғўза механизация ёрдамида чеканка қилиниб, 51 минг гектар майдондаги ғўза ўз вақтида ва сифатли дефолиация қилинади, камида 53 минг тонна пахтани машинада теріб олинади.

1980 гектар ер ирригация жиҳатидан тайёрланади ва қишлоқ хўжалик оборотига киритилади, жумладан колхозлар маблағи ҳисобига 56 гектар ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилади.

Бедазорлар майдони 5550 гектарга етказилади, жумладан, бу йил беда экиладиган майдон 1500 гектарга кўпайтирилади. Кўпйиллик бедазорларнинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил олинади. 43 тонна беда уруғи тайёрланади.

Дон етиштириш 19700 тоннага, шу жумладан шоли 3635 тонна, маккажўхори дони 1860 тоннага етказилади ва давлатга 5600 тонна дон, шу жумладан 1550 тонна шоли сотилади. Ҳар гектар майдондан камида 30 центнердан шоли ва 30,5 центнердан маккажўхори дони олинади.

Колхозлар ва давлат хўжаликларида 1450 тонна гўшт, 4900 тонна сут, 700 минг дона тухум етиштирилади, давлатга хўжаликларнинг ҳамма категориялари бўйича 1350 тонна гўшт, 4000 тонна сут, 1 миллион 670 минг дона тухум, 1150 центнер жун ва 190,1 тонна пилла сотилади.

Йил охиригa қадар йирик шохли қорамол сони 1208 бош, жумладан сигирлар — 3850, чўчқалар — 6830, қўй ва эчкилар — 35200 ва йирик паррандлар 17300 бошга етказилади.

Қорамол ва паррандалар маҳсулдорлиги оширилади, ҳар бир сигирдан ўртача 1350 килограммдан сут, тухум қиладиган товуқларнинг ҳар биридан 75 тадан тухум олинади. Йирик шохли қорамолларнинг ўртача вазни 265 килограмм, қўйлар вазни камида 40, чўчқа вазни 85 килограммга етказилади.

Ҳар юз бош сигирдан камида 88 тадан бузоқ, ҳар юз совлиқдан камида 90 тадан қўзи ва ҳар бир она чўчқадан 21 тадан чўчқа боласи олинади.

Чорвачиликнинг ем-хашак базаси кескин равишда яхшиланади, 23 минг тонна дағал ем-хашак, жумладан 16900 тонна беда тайёрлаб қўйилади ҳамда 37000 тонна силос бостирилади.

Ҳосилдорликни ошириб, ҳар гектар ердан камида 151 центнер сабзавот, 110 центнер картошка, 180 центнер полиз экинлари маҳсулоти, 70 центнер узум ва 50 центнер мева олинади.

Сабзавот етиштириш 3700 тонна, картошка етиштириш 1500 тонна, полиз экинлари етиштириш 12300 тонна, мева ва узум етиштириш 2600 тоннага қадар кўпайтирилади. Ҳамма категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга 2920 тонна сабзавот, 300 тонна картошка, 10460 тонна полиз экинлари, 1750 тонна мева ва узум сотилади.

Боғлар ва узумзорлар майдони кенгайтирилади.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Ҳар гектар ердан 34,1 центнердан ҳосил етиштирилади ва давлатга 20 минг тонна пахта сотилади. 3 минг гектар майдондаги ғўзага икки томонлама ишлов берилади-500 гектар майдондаги ғўзага икки томонлама ишлов берилади. 500 гектар майдонерда дефолиация ўтказилади. Машиналарда камида 9 минг тонна пахта терилади.

Давлатга 124 минг тонна каноп пояси сотилади, 400 тонна каноп уруғи тайёрланиб, шундан 20 тоннаси давлатга сотилади.

Бу йил камида 40 гектар янги ер, жумладан колхозлар маблағи ҳисобига 30 гектар ер ирригация жиҳатидан тайёрланади, суғориладиган ҳар бир гектар ердан тўла фойдаланиш таъминланади.

Бедазорлар 5300 гектар, жумладан бу йил экилган беда майдони 1200 гектарга етказилади. Кўп йиллик бедазорларнинг ҳар гектаридан 70 центнердан беда ўриб олинади, 48 тонна беда уруғи тайёрланади.

Дон етиштириш 28300 тоннага, жумладан шоли 2385 тонна, маккажўхори 1775 тоннага етказилади. Давлатга 10700 тонна дон, жумладан 1050 тонна шоли сотилади. Ҳар гектар майдондан камида 37,8 центнердан шоли ва 41 центнердан маккажўхори дони олинади.

Колхоз ва давлат хўжаликларида 2250 тонна гўшт, 8600 тонна сут, 2200 минг дона тухум етиштирилади. Ҳамма категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга 1860 тонна гўшт, 7600 тонна сут, 2590 минг дона тухум, 1655 центнер жун ва 128,5 тонна пилла сотилади.

Йил охиригача колхоз ва совхозларда йирик шохли қорамоллар сони 14070 бош, жумладан, сигирлар 4600, чўчқалар 3300, қўй ва эчкилар 59200 ва йирик паррандалар сони 34 минг бошга етказилади.

Қорамол ва паррандалар маҳсулдорлиги оширилади. Ҳар бир сигирдан ўртача 2 минг килограммдан сут, тухум қиладиган ҳар бир товуқдан 82 тадан тухум олинади. Ҳар бир йирик шохли қорамолнинг ўртача тирик вазни 310 килограмм, чўчқалар — 100, қўйлар — 45 килограммга етказилади.

Ҳар юз сигирдан камида 85 тадан бузоқ, ҳар юз совлиқдан камида 103 тадан қўзи ва ҳар бир она чўчқадан 20 тадан бола олинади.

Чорвачиликнинг ем-хашак базаси кескин яхшиланади. 28 минг тонна дағал ем-хашак, жумладан, 20700 тонна беда тайёрланади ҳамда 42 минг тонна силос бостирилади. Ҳосилдорликни ошириб, гектаридан 190 центнер сабзавот, 105 центнер картошка, 200 центнер полиз экинлари, 72 центнер узум, 45 центнер мева олинади.

Колхозлар ва давлат хўжаликларида сабзавот етиштиришни 2500 тонна, картошка етиштиришни 1900 тонна, полиз экинлари етиштиришни 2500 тонна, мева ва узум етиштиришни 10800 тоннага етказилади. Ҳамма категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга 2100 тонна сабзавот, 700 тонна картошка, 2100 тонна полиз экинлари, 1840 тонна мева ва 6460 тонна узум сотилади.

Боғ ва узумзорлар майдони кенгайтирилади.

КАЛИНИН РАЙОНИ БЎЙИЧА

Колхоз ва давлат хўжаликларида сабзавот етиштириш 100 минг 600 тонна, картошка етиштириш 27 минг тонна, полиз экинлари етиштириш 19 минг тонна, мева ва узум етиштириш 11400 тоннага етказилади.

Гектаридан 175 центнердан сабзавот, 110 центнердан картошка, 200 центнердан полиз экинлари, 80 центнердан узум ва 52 центнердан мева олинади. Ҳамма категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга 82800 тонна сабзавот, 12500 тонна картошка, 13630 тонна полиз экинлари, 7200 тонна мева ва узум сотилади. 153 гектар янги ер, шу жумладан, колхозлар маблағи ҳисобига 30 гектар ер ирригация жиҳатидан тайёрланиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилади.

Бедазорлар майдони 5400 гектар, жумладан, бу йил экилган бедазор 950 гектарга етказилади ҳамда кўп йиллик бедазорларнинг ҳар гектаридан 75 центнердан беда ўриб олинади. 13 тонна беда уруғи тайёрланади.

Дон етиштириш 8400 тоннага етказилади ва давлатга 800 тонна дон сотилади. Жумладан, 300 тонна шоли сотилади. Ҳар гектар ердан камида 32,8 центнердан шоли ва 31,4 центнердан маккажўхори дони олинади.

Колхоз ва давлат хўжаликларида 4250 тонна гўшт, 11 минг 250 тонна сут, 21 миллион 420 минг дона тухум етиштирилади ва ҳамма категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга 3380 тонна гўшт, 9 минг тонна сут, 15 миллион 820 минг дона тухум, 1040 центнер жун ва 208 тонна пилла сотилади.

Йил охиригача колхоз ва совхозларда йирик шохли қорамоллар сони 11500 бош, жумладан сигирлар 4890, чўчқалар 16690, қўй ва эчкилар 53 минг 700, йирик паррандa 228 минг 600 бошга етказилади.

Ҳар бир сигирдан ўртача 2300 килограммдан сут соғиб олинади, тухум қиладиган ҳар бир товуқдан 138 тадан тухум олинади, йирик шохли қорамолларнинг ўртача тирик вазни 310, қўйлар 45, чўчқалар 95 килограммга етказилади.

Чорва наслдорлигини яхшилаш тадбирлари кўрилади, ҳар юз сигирдан 85 тадан бузоқ, ҳар юз совлиқдан 104 тадан қўзи ва ҳар бир она чўчқадан 21 тадан бола олинади. Чорвачиликнинг озуқа базаси анча яхшиланади, 28 минг 400 тонна дағал ем-хашак, жумладан, 23 минг тонна беда тайёрланади, 44 минг тонна силос бостирилади.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Ҳар гектар ердан 34 центнердан ҳосил олинади ва давлатга 6,5 минг тонна пахта сотилади. 2000 гектардаги ғўзага икки томонлама ишлов бериб, минг тонна пахта машиналарда теріб олинади.

Колхозлар ва давлат хўжаликларида сабзавот етиштириш 90 минг тонна, картошка етиштириш 20 минг тонна, полиз экинлари етиштириш 10 минг тонна, мева ва узум етиштириш 21,3 минг тоннага етказилади.

Ҳар гектаридан 170 центнердан сабзавот, 110 центнердан картошка, 200 центнердан полиз экинлари, 82 центнердан узум ва 50 центнердан мева олинади. Давлатга ҳамма категориядаги хўжаликлар бўйича 69 минг 40 тонна сабзавот, 10500 тонна картошка, 6450 тонна полиз экинлари, 14350 тонна мева ва узум сотилади.

Шу йил камида 158 гектар янги ер, жумладан колхозлар маблағи ҳисобига 32 гектар ер ирригация жиҳатидан тайёрланади. Ҳар гектар суғориладиган ердан унумли фойдаланишга эришилади.

Бедазорлар майдони 6150 гектар, жумладан бу йил экилган беда майдони 1200 гектарга етказилади ҳамда кўп йиллик бедазорларнинг ҳар гектаридан 75 центнердан беда ўриб олинади. 68 тонна беда уруғи етиштирилади.

Дон етиштириш 16 минг 100 тоннага етказилади ва давлатга 4 минг 100 тонна дон, жумладан 500 тонна шоли сотилади. Ҳар гектаридан камида 32,5 центнердан шоли ва 31 центнердан маккажўхори дони олинади.

Колхозлар ва давлат хўжаликларида 3500 тонна гўшт, 11 минг 350 тонна сут, 17 миллион 200 минг дона тухум етиштирилади ва ҳамма категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга 2980 тонна гўшт, 9 минг 400 тонна сут, 15 миллион дона тухум, 2250 центнер жун ва 194,8 тонна пилла сотилади.

Йил охиригача колхоз ва совхозларда йирик шохли қорамоллар 18300 бош, жумладан сигирлар 6560 бош, чўчқалар 2650, қўй ва эчкилар 71100, йирик паррандa 165100 бошга етказилади. Ҳар бир сигирдан ўртача 1900 килограммдан сут соғиб олинади, тухум қиладиган ҳар бир товуқдан 138 тадан тухум олинади. Йирик шохли қорамолларнинг ўртача тирик вазни 300, қўйлар 46, чўчқалар 95 килограммга етказилади.

Чорва маҳсулдорлигини яхшилаш тадбирлари кўрилади, ҳар юз сигирдан камида 85 тадан бузоқ, ҳар юз совлиқдан камида 105 тадан қўзи ва ҳар бир она чўчқадан 23 тадан бола олинади.

Чорвачиликнинг ем-хашак базаси анча яхшиланади, 52 минг 700 тонна дағал ем-хашак, жумладан 43 минг 700 тонна беда тайёрланади, 59 минг тонна силос бостирилади.

Тоғлик ерлар ҳисобига боғлар ва узумзорлар майдони кенгайтирилади.

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

60 минг тонна пахта етиштирилади ва давлатга сотилади. Ҳар гектаридан камида 26,7 центнердан ҳосил олинади. 20 минг гектар майдондаги ғўзага икки томонлама ишлов берилади. 3 минг гектар ерги ғўза механизацияда чеканка қилинади. 34 минг гектар майдондаги ғўза қулай муддатларда, қўшимча ишлов бериши ҳисобга олган ҳолда дефолиация қилинади, камида 38 минг тонна пахта машиналарда теріб олинади.

Камида 210 гектар янги ер, жумладан колхозлар маблағи ҳисобига 50 гектар ер тайёрлаб қўйилади.

Суғориладиган ҳар гектар ердан, ҳар кубометр сувдан унумли фойдаланишга эришилади.

Бедазорлар майдони 6400 гектар, жумладан, бу йил экилган бедазорлар 1600 гектарга етказилади ҳамда эски бедазорларнинг ҳар гектаридан 70 центнердан беда ўриб олинади. 55 тонна беда уруғи етиштирилади.

Дон етиштириш 39600 тонна, жумладан шоли етиштириш 8550 тонна, маккажўхори етиштириш 2760 тоннага етказилади ва давлатга 8670 тонна дон, жумладан 3600 тонна шоли сотилади. Ҳар гектар майдондан 31,6 центнердан шоли ва 31 центнердан маккажўхори дони олинади.

Колхоз ва давлат хўжаликларида 5210 тонна гўшт, 10550 тонна сут ва 15 миллион 720 минг дона тухум етиштирилади. Давлатга ҳамма категориядаги хўжаликлар бўйича 5210 тонна гўшт, 8500 тонна сут, 11 миллион 990 минг дона тухум, 2900 центнер жун ва 165,4 тонна пилла сотилади.

Йил охиригача колхоз ва совхозларда йирик шохли қорамоллар сони 20 минг 900 бош, жумладан сигирлар 7070 бош, чўчқалар 11290, қўй ва эчкилар 95 минг 500 ва йирик паррандa 181 минг 900 бошга етказилади.

Қорамол ва паррандалар маҳсулдорлиги оширилади, Ҳар бир сигирдан 1550 килограммдан сут соғиб олинади, тухум қиладиган ҳар бир товуқдан 131 тадан тухум олинади, йирик шохли қорамолларнинг ўртача тирик вазни 260 килограмм, чўчқалар 100, қўйлар 42 килограммга етказилади.

Ҳар юз сигирдан камида 85 тадан бузоқ, ҳар юз совлиқдан 102 тадан қўзи ва ҳар бир она чўчқадан 21 тадан бола олинади.

Чорвачиликнинг ем-хашак базаси кескин яхшиланади, 51 минг 900 тонна дағал ем-хашак, жумладан 31 минг 200 тонна беда тайёрланади ва 53 минг тонна силос бостирилади.

Ҳосилдорликни ошириб, ҳар гектар ердан 188 центнер сабзавот, 95 центнер картошка, 145 центнер полиз экинлари, 45 центнер мева ва 70 центнердан узум олинади.

Колхозлар ва давлат хўжаликларида сабзавот етиштириш 15 минг тонна, картошка етиштириш 11 минг тонна, полиз экинлари етиштириш 7800 тонна, мева ва узум етиштириш 5300 тоннага етказилади.

Давлатга ҳамма категориядаги хўжаликлар бўйича 13 минг 300 тонна сабзавот, 5100 тонна картошка, 6840 тонна полиз экинлари, 1900 тонна мева ва узум сотилади.

Давлатга 8,5 минг тонна каноп пояси сотилади.

Тоғлик ва тоғ этакларидаги зоналарда боғлар ва узумзорлар майдони кенгайтирилади.

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ БЎЙИЧА

67 минг тонна пахта етиштирилиб, давлатга сотилади, ҳар гектар ердан камида 29 центнердан ҳосил олинади. 21 минг гектар майдондаги ғўзага икки томонлама ишлов берилади. 2 минг гектар ердаги ғўза механизацияда чеканка қилинади. 35 минг гектар майдондаги ғўза қулай муддатларда, қўшимча ишлов бериши ҳисобга олган ҳолда дефолиация қилинади, машиналарда камида 31 минг тонна пахта теріб олинади.

210 гектар янги ер, жумладан колхозлар маблағи ҳисобига 50 гектар ерни тайёрлаб қўйилади.

Суғориладиган ерлар ва сувдан унумли фойдаланишга эришилади.

Бедазорлар майдони 6600 гектар, жумладан бу йил экилган бедазорни 1650 гектарга етказилади ҳамда эски бедазорларнинг ҳар гектаридан 75 центнердан беда ўриб олинади, 49 тонна беда уруғи етиштирилади.

Дон етиштириш 13 минг 400 тонна, жумладан шоли етиштириш 2375 тонна, маккажўхори етиштириш 2734 тоннага етказилади ва давлатга 1430 тонна дон, жумладан 800 тонна шоли сотилади. Ҳар гектар майдондан 30 центнердан шоли, 31 центнердан маккажўхори дони йиғиб олинади.

Колхоз ва давлат хўжаликлари сабзавот етиштиришни 30 минг тонна, картошка етиштиришни 9 минг тонна, полиз экинлари етиштиришни 12 минг тонна ҳамда мева ва узум етиштиришни 25 минг тоннага етказадилар.

Ҳар гектаридан 160 центнердан сабзавот, 111 центнердан картошка, 170 центнердан қовун-тарвуз, 80 центнердан узум ва 60 центнердан мева олинади.

Давлатга барча категориядаги хўжаликлар бўйича 24 минг тонна сабзавот, 2400 тонна картошка, 11480 тонна қовун-тарвуз, 21 минг тонна мева ва узум сотилади.

Колхозлар ва давлат хўжаликларида 3000 тонна гўшт, 13400 тонна сут, 1 миллион 340 минг дона тухум етиштирилади ва давлатга барча категорилдаги хўжаликлар бўйича 2390 тонна гўшт, 10700 тонна сут, 1 миллион 780 минг дона тухум, 1890 центнер жун ва 198 тонна пилла сотилади.

Йил охиригача колхоз ва совхозларда йирик шохли қорамоллар сони 16100 бошга, шу жумладан сигирлар 5880 бошга, чўчқалар 6350 бошга, қўй ва эчкилар 78800 бошга, йирик паррандалар 24800 бошга етказилади.

Ҳар бир сигирдан ўртача 2300 килограммдан сут соғиб олинади. Ҳар бир тухум қиладиган товуқдан 82 тадан тухум олинади. Гўштга топшириладиган йирик шохли қорамоллар вазни 310 килограммгача, қўйлар 42 килограммгача, чўчқалар 90 килограммга етказилади.

Чорвани урчитиш йўли билан кўпайтиришни яхшилаш тадбирлари кўрилади. Ҳар юз бош сигирдан 87 тадан бузоқ, ҳар юз бош совлиқдан 100 тадан қўзи ва ҳар бир она чўчқадан 21 тадан чўчқа боласи олишга эришилади. Чорвачиликнинг ем-хашак базаси анча мустаҳкамланади. 44300 тонна дағал ем-хашак, шу жумладан 31,4 минг тонна беда хашаги тайёрланади, 63 минг тонна силос бостирилади.

* * *

Область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари улуғ Ленин туғилган кунининг юз йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўриб, барча совет кишилари сингари ишлайдилар ва бу улуғ санани муносиб совғалар билан, ҳар бир район, колхоз, совхоз, ферма ва участкалар, бригадалар ва звеолар бўйича план ва топшириқларини бажариш ва ошириб бажариш билан кутиб оладилар.

Сирдарё ва Чимкент областлари қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг социалистик мусобақаси шоли анъанага айланиб қолди. Биз ана шу областларнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига мурожаат қилиб, социалистик мусобақани бундан буён ҳам давом эттиришга чақирамиз.

Тошкент области колхозчилари, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари беш йиллигининг учинчи йилида зиммаларига олинган социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажариш ва ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан коммунизмнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун куч-ғайратларини аямайдилар.

БИР ҚИШЛОҚ ШИФОКОРЛАРИ



Юқори Чирчиқ районидаги Паркент қишлоғида катта тажрибага эга бўлган шифокорлар қишлоқ меҳнаткашларининг саломатлигини сақлаш борасида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Улар вақти-вақти билан хонадонларда бўлишиб, оила аъзоларини медицина кўригидан ўтказиб туришади. Қишлоқ аҳли райондаги 2-касалхонанинг ҳамшираси Рая Шагидуллина ва шу касалхонанинг лаборанти Шукрия опа Ҳайбуллаеванинг номларини ҳурмат билан тилга олади. Бу тиниб-тинчимас шифокорлар самарали меҳнатлари туфайли эл-юрт олдида катта эътибор қозонишмоқда. Суратда: (юқоридан пастга) Р. Шагидуллина ва Ш. Ҳайбуллаева ўртоқлар.

А. Жамолов фотолари.

ЯНГИ КИТОБЛАР

«Ўзбекистон» нашриёти бир неча янги китобларни босмадан чиқарди. Улар орасида, жумладан қуйидаги китоблар бор.

Пахтачилик справочниги. Справочникнинг русча нусхаси Ф. И. Учеваткин, П. Н. Беседин, А. К. Кашкаров ва бошқа ўртоқларнинг раҳбарлигида тайёрланди. У русча нашридан таржима қилинди.

Китобда ғўза селекцияси биологияси ва агротехникаси, экономикаси, ирригация ва мелиорацияси, шунингдек пахтачиликда меҳнатни ташкил қилиш ва механизациялаш, ғўза зараркунандалари ва уларга қарши кураш, ер ўлчаш ҳамда бу соҳадаги бошқа ишларга боғлиқ масалалар батафсил баён этилган.

Справочник 10 бобдан иборат. Китобда пахтачиликка оид 126 расм, 203 жадвал, 15 таблица ҳамда битта карта ҳам илова қилинган.

Пахтакорлар учун мўлжалланган бу справочник олий ва ўрта ўқув юртларининг ўқитувчи ва студентларига ҳам қўлланма бўлиши мумкин.

Қизиқарли биология. Китоб «Наука» нашриётининг (Москва) 1965 йилги нашридан ўзбек тилига медицина фанлари қандидати А. Шомаҳмудов томонидан таржима қилинган.

Табиёт илмини оммалаштирувчи машҳур олим, биология фанлари доктори профессор В. В. Лункевичнинг «Қизиқарли биология» китобига «Ҳаёт асослари» номли тўпламдан олинган материаллар, мақолалар ва лекциялар киритилган. Китоб 18 та очеркдан иборат бўлиб, унга «Тирик табиат мўъжизаларни», «Нур сочар ҳайвонлар», «Ҳайвонот дунёсининг шакллари ва рангтусларини», «Гуллар ва ҳашаротлар», «Ипак қурти» номли очерклар киритилган.

Н. ЖУРАБОЕВ,

М. ТУЛАГАНОВА.

СОЦИАЛИЗМ КУЙЧИСИ

М. ГОРЬКИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Шу йил 28 мартда бутун тараққийпарвар инсоният улуғ пролетар ёзувчиси, социалистик реализм методи асосчиси, ажойиб жамоатчи ва сиёсий арбоб Алексей Максимович Горький туғилган куннинг 100 йиллигини нишонлайди.

Совет кишилари М. Горькийни фақат гениал пролетариат санъаткори сифатидагина эмас, балки газета ва журнал саҳифаларидан туриб, ижтимоий ҳаётда, ўз жанговар сўзи билан партия ва халқ ишларида иштирок этган, оммаларнинг эътиборини энг муҳим замонавий масалаларга қаратган ажойиб публицист сифатида ҳам яхши биладилар ва севадилар. Унинг ўзи 1930 йилда шундай деган эди: «... Шахсан мен — ҳеч қачон ўзимни «мутлоқ адабиётчи» деб ҳисоблаган эмасман ва ҳисоблаймайман, умрим бўйи у ёки бу соҳада жамоат ишлари билан шуғулланиб келдим ва ҳозирги вақтда ҳам бу иш мени ўзига тортиб туради».

Совет Иттифоқи ҳақиқаги ҳақиқат жарчиси бўлган М. Горький мамлакатимиз ичкарисида ҳам, чет элларда ҳам меҳнаткашларнинг душманларига қарши, мешчанликнинг ҳар қандай кўринишлари, империализм, фашизм ва урушга қарши, тинчлик ва демократия, барча мамлакатлар халқлари ўртасида дўстлик, социализм учун ҳормай-толмай курашди.

М. Горькийнинг публицистик, журналистик фаолияти 1928—1936 йилларда, яъни ёзувчи чет элда узоқ вақт даволаниб, жонажон мамлакатига қайтганидан кейин, барқ уриб гуллади. У ватанидан узоқда яшар экан, мамлакатимиз ҳаётини диққат билан кузатиб борди, совет газеталари, журналлари, китобларини ўқиди, ишчилар, деҳқонлар, адиблар, журналистлар билан ёзишиб турди. М. Горький мақолалари ва хатларида СССР да хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида эришилаётган ютуқларни бутун жаҳонга маълум қилар, буржуазия ва унинг тартибларини қаҳр-ғазабга тўлиб айтарди.

Соррентода яшар экан М. Горький социализм мамлакати ютуқларини ёритиб борувчи махсус оммавий журнал нашр этишни ўйлаб қўйган эди. Бу журнал «фан, техника, саноатда эришилаётган ҳамма янгиликлар, мамлакатда вужудга келаётган ҳамма ишлар ҳақида вақти-вакти билан ҳикоя қилиб бериши зарур» эди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида В. И. Ленин «Газеталаримизнинг характери тўғрисида», «Буюк почин» ва бошқа асарларида таъкидлаганидек, ижобий тажрибани омманинг мулкига айлантириш зарур эди, социализмга ўтиш даврида намунанинг кучи «гигант ҳаёмият» касб этарди. М. Горький ютуқларимизни, ижобий тажрибаларимизни кўрсатиб берувчи, коммунизм куртакларини тарғиб қилувчи махсус журнал ташкил этар экан, ана шу гоя — ижобий намунанинг аҳамияти ва кучидан келиб чиққан эди. «Бизнинг ютуқларимиз» («Наши достижения») журналини нашр этиш муносабати билан ёзган бир хатида қуйидагиларни ёзган эди: «Ҳар қишлоқ ва ҳар бир фабрикада «янгичасига» қилинаётган ишлар, ҳатто улар энг майда бўлса ҳам, омма учун муҳим тарбиявий аҳамият касб этади».

М. Горький ҳаққоний суратда фақат танқид қилиш ярамайди деб ҳисоблар эди. У оммани яхши намуналар мисолида ўргатиш, қандай ишлаш кераклигини кўрсатиш, идеалларни очиб беришга даъват этарди. Яхши, ижобий, илғор нарсаларни ўрганиш натижасида киши ана шу яхшиликка тақлид қилишга интилади, ёмонликдан ўзини тортади ва ундан тезроқ холи бўлишни истайди.

М. Горький янги журнални «Бизнинг ютуқларимиз» деб аташга қарор қилди. Ана шу сарлавҳада адибнинг фикр-ўйлари аниқ ва тўла ифодаланиб турибди. Унинг фикрича, мамлакат муваффақиятлари, халқнинг ҳаҳрамонлиги ҳақидаги материаллар оддий ходимлар руҳини кўтариши, кишиларда ўз меҳнатларига нисбатан фахр ва ғурур туйғусини уйғотиб, уларни янги қаҳрамонликларга руҳлантириб туриши зарур эди.

Журнал меҳнаткаш халқнинг ишига ёрдам бериши, ўз тақдири, ўз тарихининг ижодкори бўлган ишчига унинг қилаётган ҳар бир иши нақадар катта аҳамиятли эканлигини кўрсатиб бериши зарур эди. Алексей Максимович таъкидлаганидек, оддий ишчиларнинг меҳнати чиндан ҳам қаҳрамонлик намунаси бўлиб, уларнинг ўзлари баъзан буни тушунмайдилар ҳам. «Бизнинг воқелигимиздa, — деган эди адиб, — чиначакам қаҳрамон туғилиб, воғга етмоқда. У буни билиши керак. У буни рўпарасига ойна қўйилсагина билиб олади. Ана шундай ойна вазифасини журнал бажариши, революция ва маданиятнинг жонкуяр ходимига унинг фан, техника, санъат, турмушда эришаётган ютуқларини кўрсатиб бериши зарур».

Янги журнал гоялари тарафдорлари кўплаб топилди, ўқувчилар уни қўллаб-қувватлашди. М. Горькийга, редакцияга ёзган хатларида ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар адибни руҳлантириб турдилар. «Правда» газетаси 1928 йил 26 июль сонида «Шу кун мавзуида» бўлимида «Бизнинг ютуқларимиз» журнали тўғрисида» мақола босиб чиқарди. Мақола меҳнаткашларнинг хатларига обзор тариқасида ёзилган эди. Газетхонлар М. Горький ташаббусини яқдил бўлиб қувватладилар, ана шундай нашр чиқариш зарур бўлиб қолганлигини таъкидладилар.

«Бизнинг ютуқларимиз» М. Горький СССРга қайтиб келгандан кейин унинг ташаббуси билан 1929—1937 йилларда биринчи вақтли нашр сифатида чиқиб турди.

1929 йилнинг январида босилиб чиққан бу журналнинг биринчи сони Коммунистик партия асосчиси, пролетариатнинг буюк доҳийси В. И. Ленининг вафотига беш йил тўлишига бағишланган эди. Унда М. Горькийнинг «Советлар Иттифоқи бўйлаб» туркумига кирган биринчи очерки — «Кичик» одамлар ва уларнинг улуғ ишлари ҳақида» А. Луначарскийнинг «Қурилишдар орқасида» мақоласи, Бокудаги улкан совет нефть саноати, Шатура электр станцияси, янгиланган тунгуз уруғи ва бошқалар ҳақида материаллар босилган эди.

1929 йили журналнинг бирор сони ҳам М. Горькийнинг бевосита иштирокисиз чиққан эмас. «Советлар Иттифоқи бўйлаб» очерклари журналнинг асосий материали ҳисобланиб, бошқа материаллар унга эргашувчилик ролини ўйнар эди. Адиб янги қаҳрамонларини оддий кишилар — социализм қурувчилари орасидан излаб топар ва бошқаларга ҳам шундай қилишни маслаҳат берарди.

«Кичик» одамлар ва уларнинг улуғ ишлари ҳақида» мақоласида адиб ер юзидаги барча моддий ва маънавий бойликлар «кичик» кишиларнинг меҳнати билан яратилган деб уқдириб ўтади. У ҳамма бойликларни яратувчи ягона манба — инсон меҳнати деб қаради ва меҳнатни улуғлайди. «Меҳнат ва фандан бўлак ер юзида ҳеч қандай юқори турадиган иккинчи бўюк куч йўқ», — деди у.

Адибнинг очерклар туркумида ягона бош гоя бор. У ҳам бўлса, Совет мамлакати ва унинг кишиларининг ўсишини кўрсатиб беришдан иборат. Ўқувчи бу очеркларда мамлакат қиёфасининг ҳанчалик ўзгариб бораётганлигини, бу ўзгаришларнинг нақадар улуғворлигини аниқ кўриб турар эди. Мақолаларда Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин мамлакат ҳаётида рўй берган ўзгаришлар ўз аксини топган.

М. Горький очеркларида «янги Россия» да социалистик қурилиш ҳақида адиб томонидан ўйлаб қўйилган монументал ишнинг бошланиши эди. Бу очеркларда чуқур фалсафий фикр, катта социал умумлашмалар, келажакка назар ифодаланарди.

М. Горький ҳамма очеркларида эски дунё устидан ўз ҳукмини чиқарар ва янги дунёни тўлқинланиб қуйлар эди. Адиб ўз очеркларини контраст методи асосида ёзар, революцияга қадар бўлган Россияни янги Совет Социалистик мамлакати билан солиштириб берар эди.

М. Горький публицистикаси мавзу жиҳатидан кенг ва серқирадир. Олтин қидирувчиларига қарата ёзган хатида у социалистик қурилишнинг бориши, ударниклар ҳаракати ҳақида фикр юритади. «Хотин-қизлар тўғрисида» мақоласида эса аёлларни озод қилиш, уларни дин ва черков занжиридан бўшатиш ва катта қурилишга жалб этиш масаласини ўртага қўяди. Индустриал ва колхоз қурилишидаги улкан ишлар адибни ҳайратга солиб юборган эди. Унинг барча публицистик мақолаларида ўз мамлакати, халқи учун ғурур ва фахр ланиш туйғуси жўшиб туради.

Адиб журнални чинакам оммавий, қизиқарли, мазмунли нашрга айлантириш учун ударникларни, ишчи ва қишлоқ мухбирларини кенг жалб қилди. У журнал қаҳрамонликларга тўлиқ воқеликни аниқ акс эттириши, «меҳнат жанглари ва ғалабалари» ҳақида ҳақконий ҳикоя қилиб бериш учун курашди.

«Бизнинг ютуқларимиз» журнали биринчи беш йилликлар тенгдоши эди. Бу нашр СССРдаги ҳамма матбуот сингари партия ва ҳукматга оммани мамлакатни қайта қуришдек улкан планларни бажаришга сафарбар этиш меҳнат активлигини уйготишда катта ёрдам берди.

Ўқувчилар ўз журналларини яхши кўриб қолдилар. Унинг муҳаррири эса бу билан фахрланарди. У журнал «воқеликни акс эттириб, пролетариатнинг ички ва ташқи душманлари асабини ишдан чиқариш ва бу билан душманни ўлимга тезроқ маҳкум этиш вазифасини бажараётган» лигидан қувонарди.

«Бизнинг ютуқларимиз» Горький ташкил этган «Колхозчи», «СССР қурилишда», «Чет элда» журналлари каби ўз даврининг энг яхши нашрларидан ҳисобланади. Бу журнал биринчи ва иккинчи беш йилликлар даврида совет халқи қаҳрамонлигини ўзида мужассамлантирган, қурувчи инсоннинг маънавий ўсишини кўрсатиб берган нашр сифатида социалистик мусобақани авж олдириш, оммани социализм қурилишига сафарбар этишда муҳим роль ўйнади.

Горький ташкил этган журнал традициялари ҳозирги вақтда совет матбуотида ижодий тарзда ривожлантириб борилмоқда. «Правда» ва бошқа етакчи газеталар Горький журналида туғилган махсус рубрикалар остида материаллар эълон қилмоқда. Совет матбуоти, радио, телевидение Горький традицияларини ривожлантириб, мамлакатимизда Совет ҳокимиятининг 50 йили ичида эришилган улкан муваффақиятларни кўрсатиб бермоқдалар, бизнинг социал-иқтисодий ютуқларимизнинг аҳамиятини чуқур таҳлил этмоқдалар. Ютуқларимиз ҳақида илҳом билан ҳикоя қилиш, меҳнатдаги қаҳрамонликни мадҳ этиш, саноат ва қишлоқ хўжалиги илғорлари тажрибасини тарғиб қилиш, ана шу мақсадлар учун газета ва журналларда очерк жанридан кенг фойдаланиш — мана шуларнинг барчаси Горький бошлаган традицияларнинг давоми ва ривожидир.

В. ПЕЛЬТ,
филология фанлари номзоди.

МАМЛАКАТЛАР ВА ҚИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР МАҚОЛАЛАР ВОҚЕАЛАР

ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚ ЯҚДИЛ

ВАРШАВА, 25 март. (ТАСС). Польшада меҳнаткашларнинг оммавий митинглари бўлмоқда. Меҳнаткашлар Польша Бирлашган ишчи партиясининг сиёсатини тамомила қўллаб-қувватлаётганликларини ва В. Гомулканинг Варшава партия активи билан учрашувда сўзлаган нутқини маъқуллаганликларини билдирмоқдалар.

«Биз сен билан биргамиз, партия!», «Партиянинг позицияси бутун халқнинг хоҳиш-иродасига муносибдир!», «Партия билан халқнинг енгилмас бирлиги!», «Бутун куч социалистик Польша учун курашга қаратилсин!», «Қутқув солувчиларга қарши, Польша ва социализм учун!», деган шиорлар остида Катовица, Познань, Гданьск, Шецин, Вроцлав, Кельцве, Ольштин, Кошалин, Лодзь, Краков ва бошқа шаҳарлар меҳнаткашларининг бир неча юз минг киши қатнашган митинглари бўлиб ўтди.

Халқ бирлиги фронтига жипслашган ташкилотлар — бирлашган деҳқонлар партияси, демократик партия, оммавий жамоат ташкилотлари Польша Бирлашган ишчи партиясининг сиёсатини тамомила қўллаб-қувватламоқдалар. Улар мамлакат олдида турган вазифаларни бажаришга тайёр эканликларини айтдилар.

Ҳарбий қисмларда ўтказилган учрашувларнинг қатнашчилари партияга ва халқ ҳокимиятига қарши қаратилган авантюраларнинг ташкилотчиларини қораламоқдалар. Улар Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари В. Гомулканинг Варшава партия активи билан учрашувда сўзлаган нутқида баён қилинган позицияни тўла равишда қўллаб-қувватладилар ва поляк қўшини ҳамиша халқ билан, партия билан бирга бўлиб келди ва бундан буён ҳам бирга бўлаверади. Совет Армияси билан ва Варшава шартномаси асосида бирлашган бошқа дўст армиялар билан қардошларча иттифоқликда поляк халқ қўшини бундан буён ҳам умумий тинчликни сақлаш, Польша чегараларининг дахлсизлигини таъминлаш ва ишчилар синфининг ҳамда бутун поляк халқининг социалистик ғалабаларини ҳимоя қилиш ишига мунносиб ҳисса қўшмоқ учун куч-ғайратларини аямайди.



ТАНЗАНИЯ БИРЛАШГАН РЕСПУБЛИКАСИ. Революциядан сўнг Занзибар оролида социал ўзгаришлар юз берди. Бу ерда меҳнаткашларнинг ҳаётини яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Суратда: Занзибар шаҳридаги қариялар учун қуриб берилган бир қатор турар-жой бинолари таевирланган.

АДН—ТАСС фотоси.

БИРЛИК ВА ЖИПСЛИК ЙЎЛИДАН

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

Будапештдаги «Геллерт» меҳмонхонаси номи бундан буён тарихга кириб қолади. Бу ерда 26 февралдан 5 мартгача коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. 66 марксчи-ленинчи партиядан келган вакиллар 8 кун мобайнида ана шу жойда коммунистларнинг халқаро янги Кенгашини чақириш ва унга тайёргарлик кўриш масаласи юзасидан фикрлашдилар.

Бу Учрашув конструктив фикр алмашиш характерида бўлиб, ўртоқларча эркин мунозара вазиятида ўтди. Қатнашчилар рўй берган қийинчиликларни енгиш, коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш ва уни янада кучайтириш учун самимий истак билдирдилар. Маслаҳат учрашувининг ҳамма ишлари пролетар интернационализми, кенг демократизм, чинакам тенг ҳуқуқлилик ва ўртоқларча бир-бирини тушуниш руҳи остида ўтди. Учрашувнинг ҳар бир қатнашчиси ана шу йиғин ишига ўз ҳиссасини қўшиш имконятига эга бўлди. Бу ерда барча конструктив таклиф ва истаклар мумкин қадар инобатга олинди.

Ҳозирги вақтда Будапештда бўлиб ўтган коммунистик ва ишчи партияларнинг Маслаҳат учрашуви ўз вазифасини бажарганлигини ҳамма тан олмоқда. Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгашини чақириш йўлида амалий жиҳатдан ҳал қилувчи қадам қўйилди. Учрашув қатнашчилари бу масалани ҳар томонлама муҳокама қилиб, ана шундай Кенгашни 1968 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Москвада чақириш истагини билдиодилар.

Будапештда тўпланган коммунистик ва ишчи партияларнинг вакиллари тўла ишонч билан коммунистик ҳаракат бирлигини, империализмга қарши курашда социализм ва демократия кучларини мустаҳкамлаш, халқларни миллий ва социал озодликка чиқариш ва бутун дунёда тинчликни сақлаш учун ўзларининг хоҳиш-иродаларини намойиш қилдилар. Будапештдаги Маслаҳат учрашуви кўрсатиб ўтганидек, бўлажак Кенгашнинг мақсади ҳам худди ана шудир.

Будапешт учрашуви қатнашчилари чинакам тенг ҳуқуқлилик асосида, коллектив равишда муҳокама қилиб, бўлажак Кенгашнинг кун тартибини ҳам яқдил бўлиб белгиладилар. Кенгаш кун тартибига бир масала: ҳозирги даврда империализмга қарши кураш вазифалари, коммунистик ва ишчи партиялар, империализмга қарши барча кучларнинг биргаламашиб ҳаракат қилиши масаласини қўйишга қарор қилинди.

Будапешт Учрашуви қатнашчилари ўз сўзларида янги халқаро Кенгаш ўтказиш зарурлигини ҳар томонлама асослаб бердилар. Улар таъкидлаб ўтдиларки, коммунистик ҳаракатнинг интернационал характери, ҳозирги халқаро аҳвол, империалистик кучларнинг агрессивлиги ўсиб бораётганлиги янги Кенгашни чақиришни тақозо қилмоқда.

Реакцион империалистик доиралар ер куррасининг турли жойларида ўз агрессив ҳаракатларини кучайтирмоқдалар, гўё ҳеч қандай ҳавф-хатар йўқ, ҳаётнинг ҳамма соҳаларини ўз ихтиёрларига олиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Тинчлик ва социализм кучларини заифлаштиришга уринмоқдалар. Империализмнинг агрессив доиралари фитна, интервенция, қирғин уруш йўлини тутиб халқаро вазиятни кескинлаштиришга, жаҳон урушининг хавфини кучайтиришга уринмоқдалар.

АҚШнинг қаҳрамон вьетнам халқига қарши босқинчилик уруши, Куба ва КХДРга қарши агрессия, Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги қатор мамлакатларда реакцион тўнтаришлар уюштирилганлиги, Яқин Шарқдаги агрессия, Грециядаги фашистик режим, ГФРда реваншчи ва неонацист кучларнинг зўрайиши, милитаризмнинг тўхтовсиз ўсиб бораётганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси империализмнинг жаҳондаги кучлар нисбатини ўз фойдасига ўзгартиш учун ҳаракат қилаётганлигини кўрсатиб турибди.

Марксчи-ленинчилар империалистларнинг ҳийла-найрангларини барбод қилишни халқлар олдида турган ўз бурчлари, деб биладилар. Бунда улар империализм ниятини фақат барча революцион, империализмга қарши кучларнинг биргаликда ҳаракат қилиши натижасидагина бартараф этиш мумкин, деган фикрга асосланадилар. Империализмга қарши, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун курашувчиларнинг жипслашган фронти халқаро реакцияни тор-мор қилишга, жаҳон революцион ҳаракатининг бундан кейинги муваффақиятларини таъминлашга қодирдир. Ана шундай фронтни вужудга келтириш ва мустаҳкамлаш, энг аввало, барча коммунистик партиялар сафини мустаҳкамлашни талаб этади.

Будапешт учрашуви қатнашчилари ўз сўзларида таъкидлаб ўтганларидек, ҳозирги шароитда халқаро Кенгаш шундай бир анжумандирки, унда дунёнинг турли жойларида иш олиб бораётган коммунистик ва ишчи партиялар ўз қарашларини солиштириб кўрадилар, фикр алмашадилар, ҳаётий проблемаларни коллектив бўлиб қараб чиқадилар, биргаликда империализмга қарши курашни кучайтириш учун янада самаралироқ бўлган стратегия ва тактикани ишлаб чиқадилар.

Маслаҳат учрашуви янги халқаро Кенгаш ўтказиладиган вақтни, жойни ва кун тартибини белгилаб гина қолмасдан, балки бу Кенгашни чақириш ва ўтказишни таъминлайдиган аниқ режаларни ҳам белгилади. Учрашув қатнашчилари Кенгашга тайёргарлик кўриш учун унда иштирок этишни хоҳлайдиган барча коммунистик ва ишчи партияларнинг вакилларидан иборат комиссия тузиш ҳақида шартлашиб олдилар. Бу комиссияга бўлажак Кенгаш билан боғлиқ бўлган материалларни ва қардош партияларнинг ҳамма таклифларини кўриб чиқиш ва умумлаштириш, Кенгаш ҳужжатлари лойиҳасини тайёрлаш ва уни халқаро коммунистлар форуми муҳокамасига тақдим этиш вазифаси топширилди. Комиссия ана шу масалалар бўйича қардош партиялар билан алоқа қилиб туради. Шундай муносабат қардош партияларнинг барча конструктив фикрлари ва истакларини эътиборга олиш ҳамда халқаро Кенгашга ҳар томонлама тайёргарлик кўриш имконини беради.

Будапешт учрашувининг ишида пролетар ҳамкорлиги, интернационализмни конкрет амалий ҳаракатга сингдиришга интилиш руҳи яққол сезилиб турди. Бу ҳол, жумладан, учрашув қатнашчиларининг вьетнам халқига бирдамлик Мактубини яқдиллик билан қабул қилганлигида ўз ифодасини топди. Бу Мактубда вьетнам халқининг қаҳрамонона курашидан барча коммунистларнинг ҳайратда қолаётганлиги ифодаланган эди. Учрашув қатнашчилари курашаётган вьетнам халқини ишонтириб айтдиларки, социалистик мамлакатлар, жаҳондаги барча меҳнаткашлар кўрсатаётган ёрдам Вьетнамдан американлик агрессорлар тамомила ҳайдаб чиқарилгунга қадар берилаверади.

Будапешт учрашувидан кейин, яъни шу йилнинг 6—7 мартида Софияда бўлиб ўтган Варшава Шартномаси қатнашчилари бўлган давлатларнинг Сиёсий Маслаҳат Комитети кенгашида ҳам қаҳрамон вьетнам халқи билан қардошларча бирдамлик баён этилди. Кенгаш қатнашчилари Вьетнамда Америка агрессияси кенгайтирилаётганлиги натижасида вужудга келаётган ва тинчлик ишига ғуғилаётган хавф ҳақидаги Декларацияда бундан кейин ҳам қардош социалистик мамлакат — Вьетнам Демократик Республикасига, вьетнам халқига барча зарур ёрдам кўрсатилади, шу жумладан иқтисодий ва мудофаа воситалари, техника, мутахассислар билан ёрдам берилади деб таъкидладилар.

Будапештдаги Маслаҳат учрашуви қардош партияларнинг интернационал алоқалари ва ўз мамлакатлари халқларининг тақдири, бутун революцион ҳаракатнинг тақдири учун масъулияти шунингдек, таъсир кучи ўсаётган бир шароитда улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар нормасини ривожлантиришга жиддий ҳисса қўшди.

Будапештда шу нарса яна бир карра намойиш қилиндики, коммунистик партиялар сафларини жипслаштириш принципларининг асоси шу пайтгача марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Қардош партияларнинг ғўлга киритган янги ютуқларини, уларнинг эркинлигини ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, бу партияларнинг фаолиятида миллий ва интернационал манфаатларни тўғри қўшиб олиб бориш зарур.

Будапештдаги Маслаҳат учрашувининг муваффақияти шубҳасиздир. Шу сабабли бу Учрашув натижалари бутун дунёдаги коммунистлар армияси сафларида чинакам қувонч уйғотгани бежиз эмас. Бу Учрашув натижалари ҳақиқатан ҳам барча демократик революцион кучларни, империализмнинг агрессия ва қароқчилик сиёсатига қарши курашмоқ учун жипслашишга интилаётган ҳамма кишиларни қувонтирмоқда.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг Маслаҳат учрашувини буржуа матбуоти ҳам катта қизиқиш билан кузатиб борди. Аммо бу алоҳида қизиқиш эди. Коммунизм душманлари коммунистларнинг Будапештдаги йиғини барбод бўлишини пойлашарди. Лекин, уларнинг хафсаласи пир бўлди. Эндиликда буржуа матбуоти Будапештда «муҳим сиёсий муваффақиятга» эришилганлигини хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам тан олишга мажбур бўлмоқда.

КПСС Марказий Комитети маълум қилдики, бизнинг партиямиз Маслаҳат учрашуви Ахборотида қайд қилинган қоидаларга амал қилиб, коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Кенгашига муваффақиятли тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун қўлдан келган ҳамма чораларни кўради.

Совет коммунистлари, барча совет кишилари шунга қаттиқ ишонадиларки, бўлажак халқаро Кенгаш жаҳон коммунистик ҳаракатини янги босқичга кўтаради, унинг сафларини янада жипслаштиради, тинчлик, демократия ва социализм кучларининг жипслигини таъминлаш ишига жуда катта ҳисса қўшади, халқаро революцион ҳаракатнинг янги ғалабаларига гаров бўлади.

В. ПОЛЯНСКИЙ.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДАГИ ЖАНГЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 25 март. (ТАСС). Жанубий Вьетнам Озодлик халқ қуролли кучларининг бўлинмалари Жанубий Вьетнамнинг турли районларида Америка—Сайгон қўшинларининг позицияларига ҳужумни давом эттирмоқдалар.

Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Сайгондаги мухбири хабар беради: бугун қўғирчоқ қўшинларнинг Кантхо районидаги (Сайгондан 128 километр ғарби-жанубда) жуда йирик ҳарбий-ҳаво базаси ва АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг Контумдари базаси (Сайгондан 418 километр шимолда) ракета ва тўплардан қаттиқ ўққа тутилди. Ҳар иккала базага моддий жиҳатдан катта зарар етказилди.

Сайгондаги Америка қўмондонлиги вакилининг айтишича, озодлик халқ қуролли кучлари отрядлари аввалги кунлардагидек кеча ҳам Американинг Кхесанда қуршаб олинган 6 мингга яқин денгиз пиёда аскарларини тўплардан қаттиқ ўққа тутганлар.

Жанубий Вьетнам ватанпарварлари кеча Сайгондан 400 километр шимолда жойлашган Плейку вилоят марказида Сайгон армияси бўлинмаларига ҳужум қилдилар ва қўғирчоқ маъмурларининг радиостанциясини анча вақт ўз қўлларида ушлаб турдилар. Ҳужум қилиш олдидан шаҳар тўпга тутилди. Жанубий Вьетнамнинг шаҳарни мудофаа қилган қўғирчоқ қўшинлари аскар ва техника жиҳатидан талафот кўрди.

Кеча Сайгондан 45 километр ғарби-шимолда ва 50 километр ғарби-жанубий Вьетнам Халқ озодлик қуролли кучлари бўлинмалари билан Америка армияси қисмлари ўртасида бошланган қаттиқ жанглар 17 соат давом этди. Америка қўшинлари қўмондонлиги ватанпарварларнинг ҳамласига бардош бермоқ учун артиллерия ва вертолетлардан малад сўрашга мажбур бўлди. Дастлабки маълумотларга қараганда, Америка қўшинларидан 80 дан ортиқ киши ўлдирилган ва яралар қилинган.

ЖАНУБИЙ ЯМАН ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Суратда: Адан шаҳрининг кўриниши.

БТА—ТАСС фотоси.

ИОРДАН ДАРЁСИДА ОТИШМА

ЛОНДОН, 25 март. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Аммондан хабар беради: кеча Исроил қўшинлари икки соат давомида Иордания армиясининг Иордан дарёсининг шарқий соҳилида жойлашган позицияларига уч марта ўт очди. Иордания армияси вакилининг баёнотида айтилдики, Исроил томони бугун туш вақтида Иордания армиясининг мамлакатнинг шимолида Шуна Маншия деган жойида ва Алмажамия кўприги атрофидаги позицияларини тўплардан ва пулеметлардан ўққа тутди. Иордания томони жавоб ўти очди. Исроил артиллериясининг ўқи икки уйни вайрон қилди. Гражданлардан икки киши яралар бўлди.

Иорданияликлар очган жавоб ўтидан бешта исроиллик солдат яралар қилинди, трактор ва ярим ўрмаловчи машина яксон қилинди.

ПАНЬМИНЬЧЖОНДА МАЖЛИС

ПХЕНЬЯН, 25 март. (ТАСС). Паньминьчжонда Кореядаги яраш бўйича тузилган ҳарбий комиссиянинг 265-мажлиси давом этмоқда. Бу мажлис Корея томонининг таклифига биноан чақирилди.

Корея марказий Телеграф агентлиги хабар беради: Корея Халқ Демократик Республикасининг вакили генерал-майор Пак Чун Гук мажлисда АҚШ томонининг Корея Халқ Демократик Республикасига нисбатан янги ғиғогарлик ҳаракатларига қарши қатъий норозилик билдирди. Бундай ғиғогарлик ҳаракатлари, деб таъкидлади Пак Чун Гук, Корея Халқ Демократик Республикасининг территориал сувларига қуролли кемаларни такрор-такрор юбориб туришда, Корея халқ армиясининг постларига ҳужум қилишда, демилитаризациялаштирилган зонага оғир ва автомат қуролларни қонуга хилоф суратда келтиришда ҳамда бу зонани ўққа тутишда ўз ифодасини топди.

Корея Халқ Демократик Республикасининг вакили Америка империалистларининг ҳаракатларини Кореяда яраш тўғрисидаги битимни қўпол равишда бузиш, деб таърифлади ва АҚШ ҳукуматидан Корея Халқ Демократик Республикасига қарши ҳарбий ғиғогарликларни тўхтатишни талаб қилди.

ЧИННИДА ШОИР СИЙМОСИ

Шу кунларда чинни буюмлари заводи коллективи катта ижодий иш билан банд. Чиннисозлар улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий туғилган кунининг 525 йиллик тўйини муносиб тўёналар билан кутиб олиш тараддудига тушишган.

Наққошлар юбилей ишонланадиган кунгача шоир қаламига мансуб ғазаллар ва унинг расми туширилган 360 минг дона чинни идиш тайёрлашни мўлжаллашмоқда. Шу кунгача Навоий расми туширилган кўплаб гулдон ва лаганлар тайёрланди. Пиёлаларнинг четига шоирнинг «Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим» деган сўзлари ёзилган.

Юбилейга бағишланган бу совғаларни тайёрлашда заводнинг А. Мирзабоев, М. Ғаниев, Н. Ваҳобов каби рассомлари алоҳида ғайрат қилишяпти. Уларга машҳур навоийшунос олимлар маслаҳатлар бериб туришибди.

Ш. ИНОЯТОВА.

ТЕАТР КУНИ

Бугун халқаро театр куни нишонланади. Бу сана Иттифоқимизда, шунингдек серқуёш республикамизда ҳам кўпмиллатли совет театр санъатининг катта кўриги, ҳисоботи руҳида ўтказилади.

Байрам кунида республикамиз театрлари саҳналарида Октябрь революциясининг 50 йиллигига бағишланган энг яхши саҳна асарлари намойиш этилади. Санъатсеварлар билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказилади.

Бу сана улуғ пролетар ёзувчиси М. Горький туғилган кунининг юз йиллиги билан бирга нишонланганлиги учун театрлар адибнинг саҳна асарларини намойиш этадилар.

VII халқаро театр куни «Театр—жаҳон халқларининг алоқалари ва дўстлигини мустаҳкамловчи муҳим воситадир»деган шиор остида ўтади.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Ҳурматли болалар! Орзиқиб кутилган баҳорги канцкул ҳам бошланиб кетди. Дам олиш кунларини қизиқарли, мазмунли ўтказишингиз учун севимли пойтахтимизнинг концерт залларида, театрлари саҳналарида ва цирк майдонида, кинотеатрларда сизларга бағишланган алоҳида қизиқарли томошалар намойиш этилмоқда.

Тошкент Давлат циркида иттифоқдош республикалардан келган таниқли цирк артистлари пойтахтимиз меҳнаткашларн олдида ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда. Артистлар сиз ёш томошабиларга атаб ниҳоятда қизиқарли ва оригинал номерлар тайёрлашган.

Ёш артист Борис Денисов ўзининг ўргатган шерлар группаси билан чиқиши ҳаммани қойил қолдирмоқда. Баҳайбат шерлар ана шу ёш Борисга бўйин эгишади, уни ҳар бир айтган буйруғини беками-кўст бажаришади. Буларни кўрар экансиз, ёш цирк артистини мардлик ва маҳорат мактабини ўтаганига ишонч ҳосил қиласиз.

РСФСРда хизмат кўрсатган артист, машҳур қизиқчи Борис Вяткин ҳам сизларга атаб янги ва қизиқарли номерлар тайёрлаган. У ўзининг содиқ ёрдамчиси «ақлли» ити билан орамизда учраб турадиган айрим нуқсонларни, ишга лаёқатсизлик билан қараётганларни қаттиқ танқид остига олади.

Опа-сингил Жуковалар, акробат ўйинида Юговлар ва жонглерчи Гримузинскийнинг ҳар бир чиқишлари томошабинлар томонидан яхши қаршн олинмоқда.

Рассом Н. Меломед яқинда циркда бўлиб, шерларни ўргатувчи ёш артист Борис Денисовнинг расмини чизди. Чапдаги суратда Б. Денисов ўргатилган шерлари билан.

Т. ЖАМОЛОВА.

САЙЁРАМИЗНИНГ КЕЛАЖАГИ

ТАБИАТ ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

Табиат инсон ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади. Шу билан бирга инсон ҳам табиатга таъсир кўрсатади, уни ўзгартиради. Инсоннинг табиатга бу таъсири жамиятнинг тараққиёт даражасига боғлиқ.

Сув инсон ҳаёти учун энг зарур воситалардан биридир. Инсон сув бойликларидан фойдаланиш ёки уларни қайтадан тақсимлаш, ўзгартиш мақсадида уларга қадимдан таъсир кўрсатиб келади. Сувдан энергия манбаи сифатида фойдаланиш, сув омборлари қуриш, сунъий дарёлар-каналлар қазиб, қақраган чўлларни кўкаламзор воҳаларга айлантириш сувдан фойдаланиш ва табиатни ўзгартиришга қаратилган ишлардандир.

Волга, Обь, Енисей, Сирдарё каби азим дарёларни тўсиб, ГЭС ва сув омборларининг қурилиши, асрлар давомида қақраб ётган Мирзачўлнинг гулистонга айлантирилиши, Марказий Фарғонада ўзлаштирилаётган ерлар бунга мисол бўла олади.

Табиатдаги сайёрамиз — Ер куррасидаги энг қудратли куч— бу инсоннинг ақл-заковатидир. Инсон сайёрамиз табиатини ҳам ўзгартиришга қодирдир. Сайёрамиз табиатини ўзгартиришга қаратилган айрим лойиҳаларга қуйида тўхтаб ўтамиз.

«УЛИК ДЕНГИЗ»НИНГ «ТИРИЛИШИ»

Арабистон чўллари билан Ўрта Ер денгизи оралиғида жойлашган бир кўл «Улик денгиз» деб юритилади. Унинг суви океан сувидан 7,5 марта шўр (ҳар бир литр сувида 260 граммдан туз бор) бўлганлиги учун кўлда ўсимлик ҳам, ҳайвонлар ҳам яшамайди. «Улик денгиз»га қуйилувчи Иордан дарёсидан келган балиқ ва бошқа жониворлар ҳам кўлга тушиши билан нобуд бўлади. Кўл ва унинг атрофида ҳаёт бўлмаганлиги учун «Улик денгиз» номини олган.

Кўлдан жуда кўп сув буғланганлиги туфайли (айрим иссиқ кунларда бир секундда 100 куб метргача сув буғланади) кўл яна-да шўрланиб, камайиб бормоқда.

«Улик денгиз» атрофини жонлантириш, уни «тирилтириш» мумкин эмасмикин? Инсон ақл-заковати бу саволга «мумкин» деб жавоб бера олади.

«Улик денгиз» қўшни Ўрта Ер денгизидан сал кам 400 метр чуқурликда жойлашган бўлиб, 80 метрли сув айирғич уларни бир-биридан ажратиб туради. Шу денгиз сувининг «Улик денгиз»га оқиб тушиши учун йўл очилса, кўл суви чуччуклашади Юкориданг пастга тушувчи сувдан эса электр қуввати олиш учун имконият вужудга келади.

«Улик денгиз»га қуйилувчи Ўрта Ер денгизи суви бора-бора унинг шўрини камайтиради, кўлда аввало сув ўсимликлари, кейин эса денгиз балиқлари вужудга келади.

Кўлга қуйилувчи (300 метрдан баландроқдан тушади) Ўрта Ер денгизи сувига сув электростанциялари каскадини қуриш мумкин бўлади. Бу ГЭСлар 400 минг киловатт қувватга эга бўлиши мумкин.

Кўл атрофини «тирилтириш» учун кўлга қуйиладиган Иордан дарёси тўғон билан тўсилади. Дарё сувидан атрофни сунъий суғориш учун фойдаланилади. Сунъий суғориш туфайли «Улик денгиз» атрофи лимон, апельсин, мандарин боғлари, узумзор, анорзор, ўрик ва шафтолизор, хурмозорлардан иборат йирик қишлоқ хўжалик районига айланади. Арзон электроэнергия эса кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган бутун бир саноат районини вужудга келтиради.

АФРИКА «ДЕНГИЗ»ЛАРИ

Африка битмас-туганмас бойликлар қитъасидир. Унинг дарёлари катта сув энергия запасларига, кўп жойларни суғориш имкониятига эгадир.

Африка дарёларининг энг йириги Конго бўлиб у, Атлантика океанига йилига 1300 куб километр (Волга сувидан 5 марта кўп) сув қуяди.

Конго дарёси қуйи қисмида тор дарадан сикилиб оқиб, йўлида бир неча шаршара ҳосил қилади. Конго дарёсини худди шу дарада жиловлаш мумкин. Агар дарё тўғон билан тўсилса, сув тўплана бошлайди. Шунда кўп ўтмай Конго дарёси оқиб ўтадиган, нам экваториал ўрмонлар билан қопланган катта сойлик сувга тўлиб, улкан «Конго денгизи»ни вужудга келтиради. Бора-бора «Конго денгизи»дан ортган сув шимол томондаги пасайган қисмидан Чад кўли ҳавзасига—кўл атрофидаги катта сойликка оқиб ўта бошлайди. Мана бу иккинчи ҳавза ҳам тўлиб, бу ерда ҳам улкан «Чад денгизи» ҳосил бўлади. Вақт ўтиши билан Конго дарё суви «Чад денгизи»дан ҳам ортиқчалик қилиб қолади. «Чад денгизи»дан оқиб чиқадиган сувни эса янги ўзанга—яъни Африка шимолий чеккасидаги Ўрта Ер денгизигача қазиб бориладиган янги дарёга буриб юбориш мумкин. «Чад денгизи»дан оқиб чиқадиган сунъий дарё қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган Сахрои Кабирга йўл-йўлакай ҳаёт бағишлаб, янги боғлар, воҳалар барпо этиб, Ўрта Ер денгизига қуйила бошлайди.

Шундай қилиб, энг иссиқ қитъа Африка ўртасида икки сув ҳавзаси—«Конго денгизи» ва «Чад денгизи» пайдо бўладики, улар бир миллион квадрат километр (Англия майдонидан 4 марта катта) майдонни ишғол этади.

Африкада янги «денгиз»ларнинг вужудга келиши жуда катта майдондаги қуруқ ва иссиқ иқлимни юмшатади, ўзгартиради. Сувсиз қақраб ётган 1.500.000 квадрат километр (Ўзбекистон майдонидан 3,3 марта катта) жойни суғориш ва обод қилиш имкони вужудга келади. Бу суғориладиган жойларда кўллаб хурмозорлар, лимон, апельсин ва мандарин боғлари, токзорлар барпо этиш, бир неча миллион тонна пахта, шоли, минг тонналаб банан, кофе, какао етиштириш имконияти туғилади. Булардан ташқари, Конго дарёси ва унинг ирмоқларида жами 130 миллион киловатт қувватга эга бўладиган электр станциялари қуриш мумкин бўлади.

Аммо, «Улик денгизни» «тирилтириш» ва Африкада янги «денгизлар» яратиш учун тегишли майдонларда жойлашган давлатлар ўртасида ҳамжиҳатлик жорий этилиши шарт. Акс ҳолда мазкур лойиҳалар муаммолигича қолавериши мумкин.

«МУЗ ТОҒЛАРИ»НИНГ ХИЗМАТЛАРИ

1912 йил. Британия пассажирлар флотининг кўрки ва ифтихори бўлган «Титанин» кемаси Лондондан Нью-Йоркка томон соатига 30 километр тезлик билан бормоқда эди. Кечаси соат 11 дан 30 минут ўтганда жуда катта муз билан урилган зарб океан пароходини ларзага келтирди... 2200 пассажирдан 675 киши қутқариб қолинди, қолганлари баҳайбат «Титанин» пароходи билан океан қаърига ғарқ бўлдилар.

Бу ҳалокатнинг сабабчиси нима эди? Ҳалокат сабабчиси океанда сузиб юрувчи айсберг, яъни «муз тоғи» бўлди. «Титанин» шу айсбергга урилиб ҳалок бўлган эди.

«Муз тоғ»ларининг ўзи нима ва қандай ҳосил бўлади? Маълумки, Гренландия ва Антарктида қалин материк музлиги билан қопланган, улардан денгизга сурилиб тушувчи улкан муз бўлаклари — «муз тоғ»ларини ҳосил қилади.

Муз тоғлари—айсберглар жуда катта ва баҳайбат бўлиб денгиз юзасидан 70 метрдан 300 метргача баланд кўтарилиб туради. Унинг сув остидаги қисми билан умумий қалинлиги 500 метрдан 1600 метргача боради, узунлиги эса ҳатто бир неча ўн километрни ташкил этади.

Океанлардаги сув оқимлари ва шамоллар «муз тоғ»ларини узоқ масофаларгача олиб кетади, улар ўз йўлларида учраган кемаларга хавф туғдиради. Кейинчалик океан кемаларида вужудга келган радиолокаторларнинг узоқдаги тўсиқ ҳақида хабар бериб туриши туфайли хавф анча камайди.

Инсон шу хавфли «муз тоғ»идан фойдаланиш йўлларини ҳам ўйлаб топди. Бир неча миллиард куб метр беғубор тоза сувга эга бўлган бу баҳайбат муз тоғлари океанлар бўйлаб мақсадсиз тентираб юрганидан инсонга, жамиятга не фойда?

Ундан шундай фойдаланиш мумкин: йирик айсберг тегишли кемалар томонидан шатакка олинади ва қитъаларнинг сувсиз, қақраган қиргоғига келтирилади. Сўнгра у қиргоқдаги махсус ишланган қўлтиқча—сув ҳавзасига олиб кирилади. Айсберг эригач жуда кўп чучук ва тоза сув ҳосил бўлади. Бу сувлардан ичиш ва чўлларни суғориб, обод воҳаларга айлантириш учун фойдаланилади. Кўпчилик олим ва мутахассисларнинг ҳисоблаб кўришича, бу лойиҳани амалга ошириш мумкин ва у жуда катта фойда келтиради.

Дастлабки маълумотларга кўра, 10 миллиард куб метр айсбергни Шимолий Американинг Калифорния қиргоғига ектказиб келиш, эриган сувини тўплаш учун махсус сув ҳавзаси қуришга сарфланадиган ҳаражат бир миллион доллардан ортмайди. Бу ҳаражат туфайли олинган тоза сувнинг қиммати ва фойдаси 100 миллион долларни ташкил этади.

Демак, табиатнинг хавф-хатар келтирувчи кучларидан яна бири инсонга хизмат қилиш учун йўналтирилади, «муз тоғ»лари чўлларда воҳалар, боғу бўстонлар яратади.

О. МЎМИНОВ,
педагогика фанлари кандидати.

М. Горький номидаги давлат академик театрида Н. Хачатуровнинг «Йилнинг бешинчи фасли ёки аёллар ҳақида биз нимани биламиз» деган янги комедия асарининг премьераси бўлмоқда. Суратда: бош ролларда қатнашаётган Л. Л. Орнова ва республикада хизмат кўрсатган артист В. А. Русиновлар.

В. Лейзерович фотоси. УзТАГ.

СПОРТ

МАВСУМОЛДИ ЎЙИНЛАРИ

Москванинг «Торпедо» командаси Европа турнирида қатнашаётганлиги учун унинг «Пахтакор» футболчилари билан бўладиган мамлакат чемпионатидаги биринчи ўйини кучирилди. Шу муносабат билан чемпионат байроғи Тошкентда тўрт кун аввал кўтарилади. Эртага Марказий «Пахтакор» стадионида торпедочилар майдон эгалари билан календарь мусобақасини бошлаб юборадилар.

Мавсум олдидан командалар ўз кучларини сўнгги бор синаб кўрдилар. «Торпедо» Ашхободда маҳаллий «Строитель» билан учрашди ва 2:3 ҳисобида ютқазиб қўйди. Пахтакорчилар эса Фрунзе шаҳрида «Олга» командаси билан ўйнадилар. Бу ўртоқлик учрашуви 4:0 ҳисобида ҳамшаҳарларимиз фойдасига ҳал бўлди. Мавсумолди тўпларини Иброҳимов, Юнусов, Абдураимов ва Солохо киритишди.

«ҚАЙРАТ» ПОКИСТОНДА

Олмаотанинг «Қайрат» футболчилари Покистондаги халқаро ўртоқлик учрашувларини муваффақиятли ўтказмоқда. Қозоғистон спортчилари мамлакат терма командаси билан иккинчи марта мусобақалашиб, 3:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Кашаганов, Кисляков ва Мусин урган тўплар мўлжалга борди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ ПЕШҚАДАМ

Югославия пойтахти Белградда ўтказилаётган хотин-қизлар халқаро шахмат турнирида жаҳон чемпиони Нона Гаприндашвили пешқадамлик қилмоқда. Сўнгги икки тур олдидан у 9 очкога эга. Иккинчи ўринда бораётган руминиялик Николау 8 очко, совет шахматчиси Кушнир 7 очко (бир ўйин кечиктирилган) тўпладилар.

ТАЛВАСА

Бош врач безовта. Кечалари ухлолмайди. Тавба, кўрпа-ёстиққа чағир тиканак сочиб қўйилганми... Асабийланиб ҳовлига чиқиб кетади. Уёққа боради, буёққа келади, қани энди юрак қўрмағур тинчланса! Дарахт шохларида мириқиб ухлаётган қушларга ҳаваси келади. «Оёғида туриб, шунчалик қаттиқ ухлашяпти, мен бўлсам юмшоқ ўринда мизғиёлмайман».

Унинг уйқуси баттар қочади. Узоқ-яқинда хўрозлар қичқиради, тун ярмидан оққан. Бош врач бедор. У ўзи бош врач бўлган касалхонадаги бирор оғир касалнинг аҳволи нима бўлдийкин, деб безовталанмаяпти, эҳе, у буни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Касаллар билан нима иши бор, дорисини ичиб, уколини олиб ётаверади-да!

Анави ишлар нима бўларкин? Қоровул чолга ҳайронман, мусичадек ювош одам эди-я! Эй хом калла, ким бўлса шунга ишонаверибмана! Нима қилардим унга касалхона толларини кестириб? Уйга тол ходалардан беш-ўнта олиб бориб ташланг, десам айтганимдан, икки марта зиёда қилиб етказибди. Мана, энди бўлса тол хода ёнига катта самоварни ҳам қўшиб, «бош врачимизнинг қўли эгри экан» деяпти.

Бош врач Турғун Саидов ҳовлида юриб, энди кўзига уйқу келаётган эди, кўнглидан ана шу гаплар ўтиб яна уйқу чумчуқдек учиб кетди. Азойи бадани қизиб, тутоқди. Аввал ўзини, кейин қариндош-уруғларини қойиб кетди.

«Аввало ўзим аҳмоқман, бошимни оғритиб нима қилардим, район соғлиқни сақлаш бўлимининг рухсатисиз қариндошларимни ишга олиб. Ўзимники етмагани устига уларнинг қилиғи ҳам чиқиб қолди. Дард устига чипқон, деб шунга айтадиларда. Ҳей, нодон синглим, менку касалхонанинг тол ходасини олибман, ахир бош врачман, олсам ўзимникидек гап, сенга ким қўйибди қолган-қутган тол ёғочларни ташиб кетишни?».

Турғун Саидовни уйқусизлик энгдими, ташвиш чарчатдими, ҳовлида юриб турган пайтда боши айланиб, йиқила ёзди. Шунда алланима юрагини баттарроқ қиса бошлади. У бош врачлик лавозимидан қувилса аҳволи нима бўлишини ўйлаб, кўзининг олди қоронғилашиб кетди. Борди-ю, чипта қўлга тегса ҳозирги катта-кичик хомийларнинг юз ўгириши турган гап. «Сендан бизга нима ҳам тегарди», деб оғайнилар тескари қараб кетадилар.

Турғунбойнинг мулоҳазалари тўғри эди. Чунки у бу соҳада унча-мунча тажриба орттирган. Ҳали эсидан чиққани йўқ, аввалги ишидан бўшаганда ҳам шунақа бўлган эди. Ҳар куни ўн марта Турғун ака, мулла Турғунбой ака деб «кўзини, ёғини еб» юрганлар амали қўлдан кетганидан бир кун эмас, бир соат ҳам ўтмасдан тескари қарашган эди.

Одам ҳали у ердан, ҳали бу ердан ундай деб, бундай деб ишдан бўшайвергач, субути ҳам қолмас экан. Мана у ҳозир ишлаб турган Кўктеракдаги тўбдиспансерга бош врач бўлиб келгунгача қанча жойдан туз ичмади, дейсиз. Бир жойда тўзни оқлаган бўлса...

Турғун Саидовнинг ҳовлида бо-

ФЕЛЬЕТОН

ши айланиб ўтириб қолган ҳолда, ўша ерда ёлғиз қолдириб, шунча гапни айтиб олдик. Агар унинг Юқори Чирчиқ район соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи вазифасидан бўйнида каттагина қарзи билан бўшатилганлигини ўзига шишитиб қўядиган бўлсак ё кўнгли озиб қолади ёки ўзига келиб, ўрнидан сакраб туради.

Йўқ, унча чўчимаса керак. Чунки у «қаерга борсам, ошнаоғайни топилади, уларнинг олдига бориб, тилимни чиқариб, калтакалта йўталиб, йиғламсираб гапирсам тош юрагини ҳам бўшатириб ўзимга ром қилиб оламан» деб юради. Ўзингиз ўйланг, район соғлиқни сақлаш бўлими мудирлигидан бўйнида қарз билан бўшатилади-ю, ким уни яна силлиқ-ғина бош врач қилиб тайинлайди?

Ҳа, бор экан шунақа дўст учун заҳар ютадиганлар. Область соғлиқни сақлаш бўлимидаги илгариги дўстларидан бири Турғун Саидовнинг кўз ёшини кўриб чидай олмади, диспансернинг аввалги бош врачини «ўз аризасига биноан» бўшатиб, унинг ўрнига Турғун Саидовни юборди. Бировнинг кўзига чўп солиш ёмон эканлигини мана Турғунбой татиб кўраяптилар.

Турғун Саидов тун бўйи тўлганиб, уҳ тортиб бедор юриб чиқди. Тонг отарда бир пастгина кўз юмган бўлди. Шу ланжликда ишга кетди. У диспансерга бориб, рўзғорбоп уни, буни кўрди-ю, уйқуси ўчгандек, дармон киргандек бўлди.

Ҳақиқий бош врачларга ўхшаш у эрталабданоқ касалларнинг аҳволи, бу кеча улар ўзларини қандай ҳис қилди, булар билан иши йўқ, қизиқмайди ҳам Бунинг ўрнига Турғунбой касалхона аравакаши Одил ота Мирсаидовни чақириб, «тол ходадан яна қолдими, ҳаммаси саксонта эканми, анави тахталарни бизнинг уйга олиб бориб ташланг», дейишни, тахтани ташиб бўлганингиздан кейин «ҳу анави сим тўр бу ерни хира қилиб турмасин, у ўзимизга зарур» дейишни яхши кўради. Одил ота баъзан қўрқиб кетади, бош врачнинг иштахаси очилиб кетиб, «отаравани ҳам бизникига ташлаб келинг» деворармикан, деб.

У шундан кейин ҳам олишга кетган Олим Каримов, Ҳамид Суннатов ва санитарка Мавлонова кабиларга тегишли 184 сўмдан ортиқ пулни еб қўйиб, уни қандай ҳазм қилиш тўғрисида ўйлаб кетади.

Турғун Сандовнинг кечалари уйқуси қочаётганига, ишда безовталигига сабаб бўлаётган нарсалар асосан шулар.

Шундай бўлса ҳам баъзан унинг кўнглига ғулғула тушиб қолади. Ана шунақа пайтда каттакичик танишлари ёнига бош эгиб, кўз ёши қилиб бораси. Билмадик. Турғунбойнинг хомийлари унинг қиғир қилиқларини биларми-ки-нар ёки қорани оқ десак, гапимиз ўтаверади, деб ўйларманларми?!

Бизнингча шундай ўйлашлари нотўғридирлар!

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

ХУШХАБАРЛАР

✦ Оққўрғон район алоқа ходимлари область алоқа бошқармаси ва алоқа касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи ҳамда биринчи даражали пул мукофотини олишга сазовор бўлишди.

Оққўрғонликлар ўтган йил 4-кварталида область районлари ўртасида энг яхши кўрсаткичга эришганликлари учун шу мукофотни олишди.

М. КАНЗАФАРОВ.

* * *

✦ Пойтахтдаги «Спартак» стадионида техникум ва махсус билим юртлари ўртасида шахмат мусобақалари бўлиб ўтди. Қатнашчилар тўрт группага бўлиниб беллашишди. Кескин курашдан сўнг медицина, электротехника техникуми студентлари 24,5 очко тўплаб, шаҳар чемпиони бўлишди.

Аёллар ўртасида педагогика билим юрти шахматчилари ғолиб келишди.

Т. МАМАСОЛИЕВ.

БИЛДИРИШ

Тошкент ишчи-мухбирлар университети тингловчиларининг навбатдаги машғулоти бугун 27 мартда ўтказилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

(3-канал)

10.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида: 11.00 — **Ҳаёт саҳифалари** (М. Горький туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан). 11.45 — **дўст-ўртоқлар** (бадиий фильм).

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — **Кўрсатишлар программаси.** 18.00 — **Телеэнгиликлар** (рус тилида).

Ўзбек тилида: 18.10 — **Юлдузча** (тележурнал). 18.45 — **Телеэнгиликлар.**

18.55 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

(5-канал)

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 — **Бугун туғилган куни** (мультфильм). 18.20 — **Телеэнгиликлар.** 18.30 — **Инсон ва қонун.**

Ўзбек тилида: 19.00 — **Невадаги сфинкслар** (телефильм). 19.15 — **Ўзбек совет поэзиясининг антологияси. З. Обидов.** 19.35 — **баҳорги экиш — биринчи имтиҳон** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 19.55 — **Телеэнгиликлар.** 20.05 — **Сиҳат-саломатлик** (илмий-оммабоп эшиттиришлар программаси). 20.50 — **Концерт.** 21.30 — **Фурқат** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

(9-канал)

Рус тилида: 20.00 — **Она** (бадиий фильм). 21.40 — **Днепр қиссаси** (хужжатли фильм). 22.25 — **Эстрада концерти.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 27/III да кундуз **Жизель,** кечқурун **Борис Годунов,** 28/III да кундуз **Боғчасарой фонтани,** кечқурун **Русалка.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/III да кундуз **Аяжонларим,** кечқурун **Душманлар,** 28/III да кундуз **Ва-роналик икки йигит,** кечқурун **Душманлар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/III да кундуз **Мавлоно Муқимий,** кечқурун **Икки билагузук,** 28/III да **Момо ер.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Борис Денисов раҳбарлигида ўргатилган шерлар аттракциони. Гиламда — РСФСР да хизмат кўрсатган артист Борис Вяткин.** Томошалар кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

КИНО

Қора автомобиль — «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА» (2-залда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Татьянанинг куни — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Найрангбоз — «ДРУЖБА» (1-залда, кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА ҲАР КУНИ

Энг ёш ўргатувчи

БОРИС ДЕНИСОВнинг ЎЗИ ЎРГАТГАН ШЕРЛАР ГРУППАСИ

билан

ГАСТРОЛЛАРИ

Гиламда — РСФСР да хизмат кўрсатган артист Борис Вяткин.

Билетлар сотилмоқда.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.

Тошкент ёғ-мой комбинати

ташкилот, корхона ва муассаса раҳбарларига маълум қиладики, комбинат Ўзбекистон улгуржи галантерея базаси разнарядкаси бўйича механизмлашган кир ювиш учун порошок

СОТИШГА КИРИШДИ

Тошкент ва областда жойлашган хўжаликлар тез орада комбинат омборларидан тегишли фонди бўйича кир ювиш порошокларни олиб кетишлари керак.

Комбинат адреси: Тошкент шаҳар, Ҳамза район, Жарқўрғон, кўчаси, 43-уй.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 835212. Редактор ўринбосарлари — 835885, 836232. Масъул секретарь — 834808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 831936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 833786. Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари — 835811. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 839050. Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 838761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 834048. Эълонлар бўлими — 838142. Коммутатор — 830249 дан 830258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 02361. ИНДЕКС — 64697. № Б — 1828.